1 СЕНТЯБРЬ · ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК КУНИ

Ислом КАРИМОВ: МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН БИР ИДЕОЛОГИЯНИНГ, БИР ПАРТИЯНИНГ ҲУКМРОНЛИГИНИ, БУЙРУҚБОЗЛИК-МАЪМУРИЯТЧИЛИК, ТАҚСИМОТЧИЛИК ТИЗИМИ АСОСИГА ҚУРИЛГАН ИҚТИСОДНИ РАД ЭТИБ, ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ҲАМ, ЕВРОПА ВА БОШҚА ҚИТЪАЛАР ХАЛҚЛАРИНИНГ ҲАМ ТАРИХИЙ ТАРАҚҚИЁТ ТАЖРИБАСИНИ УЙҒУН РАВИШДА БИРГА ҚЎШАДИГАН ЙЎЛНИ ТАНЛАБ ОЛДИ.

(Ўзбекистон Республикаси Президентининг Хельсинкидаги ЕХҲК кенгашида сўзлаган нутқидан).

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

● Газета: «Иштирокиюн» (1918 — 1920). «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Узбекистон» (1924—1964 й). «Совет Узбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

№ 138 (21. 237) 1992 йил 15 июль, чоршанба

БАҲОСИ 2 СЎМ.

Қабул пайти. Р. ШАГАЕВ олган сурат (ЎзА).

РОССИЯ ЭЛЧИСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

13 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Россия Федерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ф. Ф. Сидорскийни қабул қилди.

Ф. Ф. Сидорский Ўзбекистон Президентига Россия элчиси ишонч ёрлиғини топширар экан, икки халқнинг дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришга хизмат қилажагини таъкидлади.

Ислом Каримов Ф. Ф. Сидорскийни Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчиси этиб тайинлангани муносабати билан табриклаб, бу масъулиятли ишда унга муваффақият тилади, Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги дўстона муносабатлар тенг ҳуқуқли асосда бундан буён ҳам ривожланаверади, деб қатъий ишонч билдирди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири У. Абдураззоқов иштирок этди.

(ЎзА).

РЕСПУБЛИКА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси 12 фоизли ички ютуқ заёми ўйинининг биринчи навбатдан ташқари тиражини тайёрловчи ва ўтказувчи ишчи комиссияни тасдиқлади. Тираж шу йил 30 июль куни Самарқандда бўлади.

Ишчи комиссия таркибига республика молия, савдо, маиший хизмат, маданият вазирликларининг, шунингдек банкларнинг ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари киритилди.

13 июль куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов раислигида ишчи комиссиянинг биринчи мажлиси бўлиб ўтди, унда биринчи республика заёмининг тиражини ўтказиш билан боғлиқ бўлган ташкилий тадбирлар режаси кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг матбуот шўъбаси.

ЮКСАК УНУМ БИЛАН

● Бу йилги баҳорнинг серёғин келиши нафақат пахтакорлар, балки ғаллакорлар учун ҳам бир талай қийинчиликлар келтириб чиқарди. Лекин Мамажон Дадажонов номли совхоз деҳқонлари тадбиркорлик билан иш тутишиб, 300 гектар майдондаги бошоқли экинлардан мўл қосил етиштирдилар.

Бунга Жумақул Хўжамов, Бекмурод Шодмонов бошчилик қилаётган дончилик звеноларида бўлган киши ишонч ҳосил қилиши мумкин. Чўл шамолининг енгил шабадаси таъсирида вазмин чайқалаётган бўлиқ бошоқлар бундан далолат бериб турибди. Хўжаликнинг Жумақул Хўжамов бошлиқ звеноси ғаллакорлари даласида, айниқса, ўзгача файз ҳукмрон. Вақтида озиқлантирилиб, уч маротаба суғорилган арпа белга уради. Ғаллакорларнинг биргина дон эмас, мўл-кўл сомон йиғиштириб олишларига ҳам шубҳа йўқ. Жамоа аъзоларининг ҳисоб-китобларига кўра, ҳар гектар ердан 29 ўрнига 40 центнердан хирмон кўтариш мумкин.

Хўжалик Дўстлик районида биринчиларидан бўлиб ғалла ўримини бошлаб берди. Комбайнларни бошқараётган Мирзо Хотамов, Марсель Динасилов, Абдурашид Сотимовлар ўзаро мусобақа асосида меҳнат қилишяпти. Ғалла ўрими икки сменада ташкил этилиб, пешқадамлар рағбатлантириб бориляпти. Бултур бир тонна ҳосилни янчган комбайнчига ўн икки сўм иш ҳақи тўланган бўлса, амалдаги йилда бир гектар майдонни тоза, бошоқни тўкмасдан ўрса, гектарига қўшимча равишда 70 сўмдан ҳақ оладилар. Бу йил ғаллакорлар учун мезон—суръат эмас, сифат бўляпти.

— Янги мавсумдан бошлаб давлат хўжаликларидан бир килограмм буғдойни 8 сўмга сотиб олади. Ким билади, бу оддий меҳнаткаш учун неча сўм бўлиб қайтади,— дейди комбайнчи Мирза Хотамов. —

Ғалла— ризқ-рўзимиз

Комбайнчига ҳам осон эмас. Илгари бир тонна ғаллани бункердан ағдарганимиз учун барча қўшимчалари билан 12 сўм атрофида ҳақ тўланарди. Менимча, комбайнчига бункердан ағдарилган ҳосил учун эмас, ўрилган майдонни сифатлилигига қараб ҳақ тўланиши айни муддао бўляпти. Бир гектар майдоннинг ғалласини сифатли ўриб берган комбайнчига 70 сўмдан ҳақ тўланаётганлиги ҳам комбайнчилар руҳини кўтариб, иш унумини оширди, ўримни қисқа муддатда тугаллашга йўл очяпти.

Кенг пайкални ўримнинг дастлабки куниданоқ юксак унум билан ишлатилаётган комбайнларнинг гулдуроси тутган. Қўлини соябон қилиб атрофни кузатаётган звено етакчиси Бекмурод Шодмоновнинг қувончи чексиз. Агрегатлар бункери бир бориб келишдаёқ донга тўлмоқда. Дала бошида автомашина ва темир араваларга тўкилаётган, янги ҳосилнинг хушбўй ҳиди димоққа урилади. Ҳосил ҳам чакки эмас. Совхозда мавжуд 70 гектар майдоннинг гектаридан 40 центнердан арпа олинди. Энди 230 гектар майдондаги бўлиқ буғдойзорларда комбайнлар наъраси эшитиляпти. Ўриб олинган 70 гектар майдондаги арпазорда бирор уюм ҳам сомон қолмаган. Ҳосилдан бўшаган майдонларда ҳайдов тракторлари иш бошлади. Энди бу ерларда маккажўхори, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштирилади.

Қўшни Қосим Раҳимов номли совхозда ҳам ўрим қизғин суръатларда давом эттирилаётир. Ҳар гектар ердан 35 центнердан арпа олинди. Бу ерда Лапас Бозорбоев, Рўзимат Абдураҳмонов, Александр Кушмаревлар 40 гектар майдоннинг арпасини ўриб беришди. Ғалла кундузи ўрилиб, сомони кечаси фермага ташиб олинади.

Район даларида бу йил 2 минг гектар ердаги дондан юксак хирмон уюшга аҳд қилинган. Ҳосилнинг бир қисми уруғликка қолдирилса, иккинчи қисми аҳолига сотилади. Ғаллазорларда 28 та комбайн юксак унум билан ишлаётир.

Ғалла ўрими Манас номли ва «Дўстлик» совхозларида ҳам қизғин бормоқда. Ҳосилдан бўшаган майдонларга сабзавот, маккажўхори экиляпти. Шу йўл билан бир ердан икки марта ҳосил олиш таъминланмоқда.

Т. СОИНАЗАРОВ, Жиззах вилояти.

Пахтакор районидаги Ульянов номли давлат хўжалигида ғалла ўрими қизғин. Толлибой Маҳмудов бош бўлган звено мирзакорлари ҳам 47 гектар майдондаги ризқ-рўзимизни тезроқ саранжомлаб олишга ҳаракат қилишяпти. Уларнинг режаси—гектаридан 35 центнердан дон олиш.

Суратда: (чапдан) бош муҳандис Т. Эшбеков, звено бошлиғи Т. Маҳмудов ва комбайнчи Т. Марқаевлар ҳосилнинг баракали бўлганлигидан мамнун.

У. ҚУШВОҚОВ олган сурат.

ХДП: партияларо алоқалар

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котибининг ГФРга сафари ҳақида

● Илгари хабар қилганимиздек, Халқаро социал-демократик партиялар бирлашмаси — Социалистик интернационал вице-раиси, Германия социал-демократик партияси раҳбари Ханс-Йохен Фогелнинг таклифига биноан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби М. М. Расулов ГФРда бўлди.

У қисқа муддат ичида Бонн шаҳрида Социнтерн вице-раиси, ГСДП раҳбари, ГФР бундестаги конституциявий комиссиясининг раиси Х. Й. Фогель, ГФР бундестаги аъзоси жаноб Фогт ва Социал демократик партиянинг бундестагдаги фракцияси вакиласи Итта Тиедткелар билан учрашди.

Шундан сўнг М. М. Расулов Германия ташқи сиёсат жамияти институтида бўлди. Институт раҳбарларидан бири Херберт Хубел билан суҳбатлашди. Ташқи ишлар вазирлигида бўлди. Кейин у Фридрих Эйберт жамғармасининг бош раҳбари Буркхард билан суҳбатлашди.

Бўлиб ўтган барча учрашув ва мулоқотлар чоғида М. М. Расулов республикамиз Президенти И. А. Каримов сиёсати, Ўзбекистон ХДП фаолияти, жумҳуриятда олиб борилаётган ишлар ҳақида атрофлича сўзлаб берди. Суҳбатлар чоғида Ўзбекистон Республикаси, унинг раҳбариятига, жумҳуриятимизда бўлаётган ўзгаришларга Германияда катта қизиқиш билан қаралаётгани маълум бўлди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котибига Социалистик интернационалнинг шу бугунги фаолияти, Германия социал-демократик партиясининг бундестагдаги фракцияси иш тажрибаси, умуман Германиядаги воқеалар, ўзгаришлар ҳақида батафсил гапириб берилди. Айниқса, Ханс-Йохен Фогель билан бўлган учрашув самимий ва дўстона вазиятда ўтди. Унда ҳар икки партия вакиллари ўз партиялари фаолияти тўғрисида муайян тажриба ва ахборот алмашдилар. ГСДП ва Ўзбекистон ХДП ўртасидаги дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш ва кучайтириш ҳақида келишиб олинди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши матбуот маркази.

Енгил саноат корхоналари қурилишида

● Бедапоя бекати — Наманган шаҳри аҳолисининг етти яшаридан етмиш яшаригача таниш. Худди шу ерда Ўзбекистон 50 йиллиги номли шойи газламалар ишлаб чиқариш бирлашмасининг филиали — устки трикотаж фабрикаси бунёд этилмоқда.

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Субҳидамда ана шу объектда бўлдик. Рўпарада икки киши бир-бири билан суҳбатлашарди:

— Мана шу сизларнинг филиалингиз экан, — гап бошлади улардан бири. — Водопровод тармоғини бизнинг 1-қурилиш-монтаж колоннаси мутахассислари бажарибди. Лойиҳада «Учқўрғон—Наманган» сув йўлидан тўғри фабрикагача 3 километрлик қувурлар ётқизилиши керак экан, — дея бир тўплам ҳужжатларни ёйиб қўйди Маҳмуджон Ҳожиев. — Агар лойиҳадагидек бажарилса, атрофдаги халқ сувсиз қоларди. Маҳаллий ҳукумат ва шу ердаги одамларнинг талаби билан қувурлар маҳалла бўйлаб олиб келинибди.

Натижада маҳалланинг 650 оиласи ҳам, фабрикангиз ҳам сувга сероб бўлади. Тўғри, ҳали унча-мунча ишлари бор, тез кунда улар ҳам бажарилади. Аммо 5 миллион сўмлик ишга буюртма берганлар пул тўлашни ҳалигача хаёлларига ҳам келтиришмабди. Оқибатда колоннанинг ходимлари ойликсиз қолиб, ишни тўхтатиб қўйишгача боришди. Агар масалани ҳал этиб бермасангиз, иш шу маромда давом эттирилади.

«Конверсия» концернининг Ўзбекистон «Турон» бўлими директорининг бу гапи бизни ўйлантириб қўйди. Колонна сув етакловчилари аслида тўғри йўл тутишган. Боиси шуки, агар қувур лойиҳадагидек ётқизилганда ҳам барибир халқ фабрикадан қувур тортиб кетарди. Ҳозир эса халқнинг ҳам, фабриканинг ҳам муаммоси заковат билан ечилган. Демак, «Турон»га қарашли сув етакловчиларга пул тўлашдан ташқари, одамийлик қилиб: «Раҳмат, азаматлар!» деб қўйилса, камлик кўрмайсиз.

— Бу иш айни кўнгилдагидек битяпти, — дейди Ўзбекистон жумҳурияти Енгил саноат ассоциациясига қарашли корхоналарни қуриш бўйича Наманган дирекциясининг бош муҳандиси Валерий Сакаев. — Об-ҳаёт етиб келмаса, ҳеч бир иш битмайди. Шу ўринда фабрика лойиҳачиларни водопровод тармоғининг сув олиш йўлини нотўғри чизишганки, унга тузатиш киритишга мажбур бўлинмоқда.

Қурилишни кўздан кечирамиз. Панеллар монтажи сифатли битибди. Уларни Нойл Ишмоқов ва унинг дўстлари бажаришганди.

«Мададкор» ширкат-фирмаси бунёдкорлари ишни тиғиз усулда ташкил этишнигина эмас, агар бажарилган ишларга ўрнида пули тўлаб турилса, сифатли ва унумли ишлашни ҳам билишар экан. Ҳозиргача 26 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларининг ярмидан кўпроқ маблағи ўзлаштирилди.

Шуниси қувончлики, фабрика ўз вақтида ишга туширилса, ҳар йили 500 мингта жакет ва 900 мингта хотин-қизлар кўйлаги, 800 мингта мактаб ёшигача болалар кўйлаги ва 400 мингта костюм ишлаб чиқарилишига имкони туғилади.

— Демак, Бедапоя маҳалласидаги ва Машад қишлоғидаги уч мингдан ортиқ ишсизларга кўпгина меҳнат майдони яратилади. Фабрикада икки сменада иш ташкил қилинади, — деди бизга фирма директори А. Мирзааҳмедов. — Шунинг учун ҳам қурилиш суръатларини имкон даражасида тезкорлик билан олиб бориш ниятида ишлаяпмиз.

Т. СУЛАЙМОНОВ, «Ўзбекистон овози» жамоатчи мухбири.

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

БУХОРО, 14 июль («Ўзбекистон овози» мухбиридан телефон орқали). Бугун Бухоро вилояти фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокими Д. С. Ёдгоров вилоят меҳнаткашларининг ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ўнинчи сессияси қабул қилган қонун ва қарорлар ҳамда сессияда республика Президенти И. Каримов сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида маъруза қилди. Маъруза юзасидан музокаралар бўлиб ўтди.

Йиғилишда Республика Бош вазири ўринбосари Қ. Н. Тўлаганов қатнашди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ҲИСОБ КОМИТЕТИНИНГ МДҲ АЙРИМ РЕСПУБЛИКАЛАРИДАГИ ШАҲАР БОЗОРЛАРИДА 1992 ЙИЛ 10 ИЮЛДА НАРХ-НАВО ТЎҒРИСИДАГИ ХАБАРИ

(ҳар килограмми сўм ҳисобида)

	Тошкент	Москва	Санкт-Петербург	Киев	Минск	Олмаота	Бишкек	Ашгабат	Душанбе
Мол гўшти	65—00	293—00	241—00	250—00	—	100—00	70—00	80—00	70—00
Қўй гўшти	100—00	295—00	241—00[1]	—	95—00	100—00	75—00	100—00	100—00
Тухум (10 дона)	23—00	37—00	55—00	30—00	19—00	35—00	17—00	18—00	20—00
Сариёғ	120—00	264—00	250—00	250—00	145—00	225—00	170—00	—	—
Сметана	80—00	211—00	206—00	150—00	72—50	130—00	85—00	—	—
Картошка	7—00	42—00	27—00	25—00	50—00	20—00	12—00	6—00	8—00
Карам	4—00	54—00	33—00	25—00	30—00	10—00	8—00	4—00	4—00
Пиёз	4—50	46—00	43—00	50—00	18—00	10—00	8—00	10—00	5—00

1) чўчқа гўшти

Ҳамдўстликнинг Европа қисми шаҳарларидаги бозорда нарх-наво давлат нархларидан анча қиммат. Чунончи Москва, Санкт-Петербург ва Киев бозорларида мол гўштининг нархи давлат савдосидагига нисбатан уч—тўрт баравар ортиқ. Бу шаҳарларда деҳқончилик маҳсулотларининг нархлари даражаси ҳам юқори. Ўзбекистон республикасида картошка, пиёз, янги узилган карам, помидор нархлари давлат савдоси нархларига яқинроқ ёки ундан арзонроқ.

Танишинг: Музаффар ШАРОПОВ,

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»НИНГ НАВОИЙ ОБЛАСТИ БЎЙИЧА ЎЗ МУХБИРИ.

Музаффар ШАРОПОВ 1952 йилда Навоий вилоятининг Навбаҳор районида туғилган. Тошкент давлат дорилфунуни журналистика факультетини тугатганидан буён Навоий вилоятининг «Дўстлик байроғи», Бухоро вилоятининг «Бухоро ҳақиқати» газеталарида бўлим мудири, ўз мухбири бўлиб ишлаган. У журналистлар уюшмаси аъзоси. Очерклари, шеърлари республика матбуотида мунтазам чоп этилади. «Авлодлар сўроққа тутганда» номли шеърий тўплами «Чўлпон» нашриётида чоп этилиш арафасида. М. Шаропов «Ўзбекистон овози» газетасининг Навоий вилояти бўйича ўз мухбири этиб тайинланди.

Газетанинг учинчи саҳифасида мухбиримизнинг шу кунинг долзарб муаммолари ўртага қўйилган «Шаҳар мусаффо ҳавога ташна» сарлавҳали мақоласини ўқийсиз.

• ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи

САМАРАЛИ ТАЪСИР МАНБАИ

● МУАЛЛИФ ҲАҚИДА: Ғайрат Машарипов 1935 йилда туғилган. Тимирязев номидаги Москва қишлоқ хўжалик академиясини ҳамда Москва ижтимоий фанлар академиясини тугатган. Меҳнат фаолиятини бош агрономликдан бошлаган. Партия ташкилотларида турли лавозимларда—Хоразм вилоят партия қўмитасида бўлим мудири, Марказий Қўмитанинг қишлоқ хўжалик бўлими мудири ўринбосари, Гурлан район партия қўмитаси биринчи котиби, вилоят партия қўмитаси котиби вазифаларида ишлаган. Ҳозир у ХДП Хоразм вилоят кенгашининг биринчи котиби. Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган агроном.

ОЛДИМИЗДА турган энг муҳим вазифалардан бири — ХДП Дастурида қайд этилганидек, халқнинг моддий турмуш шароитини яхшилашдир. Вилоят партия ташкилоти олиб бораётган барча ишлар мана шу вазифани амалга оширишга бўйсундирилган. Зотан партиямиз учун ҳозирги даврда бундан ҳам муҳимроқ ва заруррроқ вазифа йўқ. Бошланғич ташкилотлардан район, шаҳар, вилоят партия кенгашларигача бўлган барча бўғинлар фаолияти мана шу мақсад ва режалар билан йўғрилганлиги сабаби ҳам ана шунда. Вилоят партия кенгаши шу йўналишда барча имкониятлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қиляпти ва муайян ютуқларга эришяпти.

Партия аъзоси бўлган халқ ноиблари ХДПнинг шу йўналишдаги сиёсатини амалга оширишда айниқса самарали иш олиб бормоқда. Улар сессия йиғилишларида, қарорлар қабул қилишда ва ана шу қарорларнинг ижросини таъминлашда ўз таъсирини ўтказмоқдалар.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида халқ ноибларининг фуқароларга ҳимоя ва ижтимоий ёрдамини таъминлаш мақсадида ХДП вилоят, шаҳар ва район кенгашлари қошида депутатлар қабулхонаси ташкил этилди. Партия аъзоси бўлган халқ ноиблари шу ерда ҳар ҳафтанинг икки кунида фуқароларни қабул қилмоқдалар. Шу пайтгача ноиблар уч юздан ортиқ киши билан мулоқотда бўлиб, уларнинг арз ва шикоятларини чуқур ўрганиб зарур ёрдам кўрсатишди.

Вилоят партия кенгаши халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари ишини мувофиқлаштириб бориш юзасидан ибратли ишлар қиляпти. Шу йилнинг май ойида Хива район партия кенгашининг маҳаллий Кенгашларда партия гуруҳларини тузиш ва улар фаолиятига амалий ёрдам бериш юзасидан қилаётган иши ҳақидаги масала ижроия бюро мажлисида муҳокама қилиниб дастлабки тажриба маъқулланди ҳамда йўл қўйган камчиликларни тугатиш учун яқиндан ёрдам бердик.

Вилоят партия кенгаши шунингдек, қўйилган вазифаларни изчил амалга оширишда ёшларнинг мададидан ҳам кенг фойдаланмоқда. Яқинда ХДП вилоят кенгаши ва ёшлар вилоят қўмитасининг биргаликда тузган тадбирлари қўшма ижроия бюро мажлисида маъқулланди. Бундай тадбирлар шаҳар ва район кенгашлари билан ёшлар қўмиталари ўртасида ҳам ишлаб чиқилди. Бу тадбирлар вилоят ёшларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, истеъдодли ва ишбилармон ёшларга барча зарур ёрдамни кўрсатишга қаратилган.

Биз шунингдек, вилоят касаба уюшмалари билан ҳам узвий алоқа боғлаб иш олиб боряпмиз. Жумладан, касаба уюшмалари вилоят қўмитаси раёсати билан республика Президентининг аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган фармонлари жойларда қандай бажарилаётганлигини назорат қилиб ва текшириб бориш, вақти-вақти билан ана шу йўналишдаги масалани қўшма пленумда кўриб чиқишни режалаштирганмиз. Бундай ҳамкорлик Президент фармонлари юзасидан белгиланган тадбирларнинг жойларда изчил амалга оширилишига ўз таъсирини кўрсатяпти, албатта.

Иқтисодий соҳага партиявий таъсир кундан кун кучаймоқда. Корхона ва хўжаликларнинг раҳбарлари ХДП ташкилотларининг ёрдамига таянмай туриб яхши натижаларга эришиш мушкуллигини чуқур ҳис этмоқдалар. Демак мақсадларимиз, вазифаларимиз бир экан, ўзаро ҳамкорликда ҳаракат қилишимизни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Хоразм вилоят кенгаши вилоятда ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ҳақидаги масалани чуқур ўрганиб, уни пленум муҳокамасига киритди. Зеро Хоразмнинг нуфузи ва экологик ҳолатини аниқ ҳисобга олиб, ишлаб чиқаришни бир текис ривожлантиришнинг яқин келажакка мўлжалланган асосий йўналишларини қатъий белгилаб олиш бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг талабларидир. Буни ҳисобга олмаслик эса пировард натижада оғир оқибатларга олиб келиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Тўғри, кейинги йилларда хўжалик механизмини такомиллаштириш, ижтимоий тармоқни ривожлантириш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш борасида бир қатор зарур тадбирлар ишлаб чиқилди. Бироқ меҳнат ресурслари ва омилларидан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқарувчи кучларни оқилона жойлаштириш масалаларига илмий асосда ёндашилмаганлиги сабабли шу йўналишдаги режаларнинг аксарият қисми бажарилмай қоғозда қолиб кетди. Маблағ билан таъминлашда ҳам ҳар доим тармоқлар истиқболини кўзлаб иш тутилмади, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда ҳududийлик талабларига риоя этилгани йўқ. Натижада бу кучларни ривожлантиришда номутаносибликка йўл қўйилди. Бу эса ўз навбатида фондлар қайтиминнинг кескин пасайишига олиб келди.

Хўжалик механизмининг барча тармоқларида рўй берган бундай хато ва камчиликлар вилоятнинг ижтимоий ва экологик омилларини ҳисобга олмасликнинг натижаси эди, албатта. Вилоят партия ташкилоти бундан кейин шу сингари воқеаларга йўл қўйиб бўлмайди, деб қатъий айтмоқда. Биз ана шуни ҳисобга олиб, ишлаб чиқариш кучларини реал жойлаштириш, корхоналарнинг янги-янги тизимларини вужуда келтириш, кучларни уйғун ривожлантириш, хом ашёни вилоятнинг ўзида қайта ишлаш, бунинг учун эса тегишли корхоналар очиш, илмий-техника тараққиётини сўзда эмас, амалда таъминлаш, илғор техника ва технологиядан самарали фойдаланиш, тадбиркорлик ва ишбилармонликка кенг йўл очиб бериш, чет эл фирмалари билан ҳамкорлик қилиш, МДҲ ҳудудлари билан алоқаларни қайтадан тиклаш ва мустаҳкамлаш каби ҳаётий масалалар тизимини режалаштириб, халқ хўжалигининг барча тармоқларига тавсия этяпмиз. Шуни ҳам айтиш керакки, шу йўналишда анчагина тадбирлар ҳам амалга оширилди. Пойабзал ишлаб чиқариш фабрикалари, бир қанча жамоа хўжаликларида гилам, шойи тўқиш цехлари, консерва заводлари, турли ишлаб чиқариш корхоналари, қўшма ва кичик корхоналар ишлаб турибди. Урганч экскаватор заводи билан Донецк экскаватор заводи жамоасининг, Шовот районидаги Маҳтумқули номли жамоа хўжалиги билан Орел шаҳридаги «Радуга» тикувчилик бирлашмаси жамоасининг шартномавий ҳамкорлиги яхши самаралар бермоқда. Воҳада бундай иқтисодий ҳамкорликнинг йўлга қўйилганлигида ХДП кенгашлари ва бошланғич ташкилотларининг ҳам ҳиссаси катта. Биз ХДП бошланғич ташкилотларининг ишлаб чиқариш кучларини ҳудудларда мутаносиб жойлаштиришга ўз таъсирини кўрсатганлигидан мамнунмиз ва уларнинг шу йўналишдаги фаолиятини ҳамиша қўллаб-қувватлаётирмиз.

Бошланғич ташкилотлар партия билан оммани боғловчи асосий халқа. Улар партия дастурий мақсад-қизиқтирмаяпти. Бинобарин, каолин ва бошқа ер ости қазилмалари кераксиз буюм сифатида чиқиндига чиқарилянти. Худди шу ернинг ўзига Ангрен ГРЭСидан кул-тошқол (золошлак)лар ҳам келтириб ташланмоқда. Ҳозир кўмирни ёқиш эвазига пайдо бўлган ушбу чиқиндилар 60 гектар майдонни эгаллаб турибди.

Хуллас, бу ерда хўжасизлик яққол кўриниб турибди. Айниқса, қурилиш индустриясида қоплама материал ўрнида етишмай турган юқори сифатли оҳактош маҳсулотларнинг чиқинди уюмларига ташлаб юборилиши бундан далолат. Тўғриси, тоғ-тоғ чиқинди уюмларини кўриб табиат берган текин инъом ҳеч кимга керак эмас экан-да, деган хаёлга борасан киши. Аммо бундай эмас, Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида (асосан жумҳурият Бинокорлик материаллари саноати вазирлиги томонидан) оҳактошни қазиб олиш ва майдалаш бўйича йирик механизациялашган тош кони хўжаликлари барпо этилган.

Ҳисоб-китобларга қараганда, Ангрен ГРЭСидан чиқарилаётган кул-тошқолларнинг бинокорлик саноати учун материаллар тайёрлашдаги аҳамияти катта. Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, иссиқлик электр станциялари чиқиндиларидан самарали фойдаланиш натижасида, масалан, цемент ишлаб чиқаришга кетадиган харажатни 10 фоиз камайтириш ва охир-оқибатда ҳозирги иқтисодий танглик шароитида ўта тақчил бўлган 1 миллион тонна қўшимча цемент маҳсулотлари ишлаб чиқариш имконини беради.

Тажриба мутахассислар ҳисобини тасдиқлади. Дейлик, «Оҳангарон» цемент бирлашмаси йил давомида 50—60 минг тонна Ангрен кул-тошқол чиқиндиларини ишлатиш туфайли давлатнинг 100 минг сўмлик пулини тежаб қолди. Бироқ бу тажрибани жумҳуриятнинг бошқа цемент корхоналарида кенгроқ қўллашга ҳаракат бўлмади. Бунинг асосий сабаби эса Ўзбекистон Бинокорлик материаллари саноати вазирлиги ва унга қарашли заводлар чиқиндини керакли корхоналарга элтиш ва қўллашни ортиқча ташвиш деб билиб, эски технология бўйича ишлашни афзал кўрганидир. Пировардида харажатлар маҳсулот нархини ошириш эвазига қопланадиган бўлди.

Юқорида Ангрен қазилма конлари минерал хом ашёсидан амалий фойдаланишнинг баъзи имкониятлари ҳақида сўз юритилди, холос. Айтиш керакки, бу имкониятлар кўлами кенг ва беқиёс. Бироқ буларнинг ҳаммаси ҳозирча келгуси режалар тарзида айтиляпти. Аслида бу ердаги чиқиндилар муаммоси бугун ёки кеча вужудга келган эмас. Бундан 30 йил олдин ҳам шу муаммо кун тартибида турган. Ўшандан буён уни ҳал қилишнинг имкони бўлмаяпти. Ҳанузгача халқ хўжалигида илгаригидек каолин ва бошқа чиқиндиларнинг фақат озгина қисми ишлатиляпти.

Хўш, нега шундай бўлмоқда? «Ангрен» разрези директори Ю. Антипиннинг фикрича, каолин ишлаб чиқариш ва сотишдан кўмирчилар фойда кўришмаяпти. Масалан, 1990 йили истеъмолчиларга 400 минг тонна каолин етказиб берилди. Бу, албатта, чиқиндиларнинг уюмларида йиғилган хом ашёнинг юздан бирига ҳам тўғри келмайди. Лекин гап миқдорда эмас, самара олиш ҳақида кетяпти. Ўйлаб кўринг, ахир каолин сотишдан корхона 225 минг сўм зарар кўрса, бу ишни яна давом эттиришга интилиш бўладими? Бир ҳисобдан бошқача бўлиши мумкин эмасди. Негаки, ходимлар асосий вақтларини бошланғич ташкилотларга бориб уларга амалий ёрдам бериш, кишилар билан мулоқотда бўлиш, меҳнат жамоаларининг таклиф ва мулоҳазаларини, муаммоларини ўрганиш ва шу ернинг ўзида ечилмаётган масалаларни ҳал қилишда ёрдам бериш билан ўтказмоқдалар. Зеро, мана шунинг ўзи замонавий партиявий иш олиб боришдир. Партия ходимининг иш жойи халқ орасида деб бежиз айтилмаган. Биз шу йўл билан жамоа ўртасида кенг фаолият кўрсатолмаётган партия қўйи бўғинлари ишининг ўнгланиб кетишига ҳам эришяпмиз.

Партиянинг нуфузи, обрў-эътибори партия ташкилотларининг ташкилотчилик ишларига бевосита боғлиқдир. Бу борада айниқса Урганч шаҳар партия кенгаши иши диққатга сазовор. Шаҳарда 24 та ҳудудий партия ташкилотлари тузилиб, уларга маҳалла қўмиталарида, сайловлар клубларида иш хоналари ажратилган. Ҳудудий партия ташкилотлари ишини мувофиқлаштириш мақсадида маош олиб ишлайдиган котиб штати билан ҳудудий партия кенгаши ташкил этилган. Партия ташкилотлари маҳаллалардаги барча тадбирларга фаол қатнашмоқдалар, бу ердаги ташкилий-тарбиявий ишларни ўз қўлларига олиб аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини ўтказмоқдалар.

Биз шунингдек, ХДП Низоми ва Дастурини чуқурроқ ўрганиш мақсадида бошланғич ташкилотларда 600 дан кўпроқ сиёсий тўгараклар, ҳар бир район ва шаҳар партия кенгаши қошида эса доимий ҳаракатдаги сиёсий клубларни ташкил этишни режалаштирганмиз. Уларда мунтазам машғулотлар олиб борувчи тарғиботчи ва ташвиқотчи гуруҳлар ҳам белгиланмоқда. Ана шу соҳа кишиларининг зонал семинарларини ўтказиб туриш ҳам партия ташкилотлари иш режасида қайд этилган. Бундай семинарлар мунозара, баҳс, давра суҳбатлари тарзида ўтади. Тарғиботчи ва ташвиқотчилар эса партия Дастури ва Низомини чуқур биладиган, одамлар қалбига йўл топа оладиган, партиянинг ҳозирги шароитда меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялашга қаратилган фаолиятини халққа тушунтира оладиган партия аъзоларидан танланмоқда.

Вилоят партия кенгаши ўз фаолиятини янада кучайтириш мақсадида қардош партиялар тажрибасини ҳам чуқур ўрганмоқда. Мана шу мақсадда бошқа республикаларнинг демократик партиялари билан дўстлик алоқаларни боғлаш йўлида илк қадамлар қўйилди. Яқинда Туркманистон Демократик партияси Сиёсий кенгаши котиби Н. И. Сафаров раҳбарлигида Тошховуз вилоятининг бир гуруҳ партия ходимлари Хоразмда бўлдилар. Меҳмонлар Урганчдаги ёғмой комбинати, пиллакашлик фабрикаси, Хива гиламчилик комбинати, Қўшкўпир районидаги «Тошкент» жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилотлари, шунингдек Хива ва Қўшкўпир район партия кенгашлари иши билан атрофлича танишдилар. Мулоқотлар жараёнида биз уларнинг мураккаб шароитда омма ўртасида иш олиб бориш усул ва услубларини такомиллаштириш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, янги иқтисодий муносабатлар моҳиятини оммага етказиш, халқлар ўртасида дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш ва бошқа бир қатор долзарб масалалар борасида олиб бораётган ишлари, тажрибаларини ҳам ўргандик. Қардош партиялар ташкилотлари бундай узвий, амалий ҳамкорликни изчил давом эттиришга қарор қилганликлари кўнгилдагидек иш бўлди.

Табиийки, фаолиятимизнинг энг муҳим йўналишларидан бири - республика Президенти И. А. Каримов фармонларини амалга оширишда яқиндан иштирок этишдир. Партия ташкилотлари айниқса аҳолининг энг кам таъминланган қисмини ижтимоий муҳофазалаш ишларига фаол қатнашмоқда. Қўшкўпир, Шовот, Хазорасп, Янгиариқ районлари ва Урганч шаҳар партия кенгашлари пленумларида бу масала чуқур муҳокама қилиниб, меҳнаткашларни ижтимоий муҳофаза қилиш юзасидан аниқ тадбирлар белгиланди.

Хулоса қилиб айтганда, ХДП ташкилотлари вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётига самарали таъсир ўтказмоқда. Улар жумҳуриятимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлашга, истиқболнинг порлоқ бўлишига ўз муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Ғ. МАШАРИПОВ,
ХДП Хоразм вилоят кенгашининг биринчи котиби.

ХУШХАБАРЛАР

КЎРГАЗМА ОЧИЛДИ

● Гулистон шаҳрида деҳқончилик-саноат мажмуи ёрдамчи корхоналари маҳсулотларининг кўргазмаси очилди.

Кўргазмада хонатлас ва гиламлар, чиройли кўйлаклар, қуруқ мева, ун—эллик хилдан ортиқ саноат ва озиқ-овқат моллари намойиш қилинмоқда. Бу ерда турли корхоналар ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битимлар тузилди. Ҳозир Мирзачўлда 275 та ана шундай корхона муваффақиятли ишлаб турибди. Улар йилига салкам 23 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқармоқда ва маиший хизмат кўрсатмоқда. Корхоналарда асосан ўзлари тайёрлаган хом ашё ва материаллардан фойдаланилмоқда.

УСТАХОНАЛАР ФАХРИЙЛАРГА ТОПШИРИЛДИ

● Сирдарё вилоят рўзғор техникасини ремонт қилиш бошқармасининг бешта соатсозлик устахонаси меҳнат фахрийларига бепул топширилди ва улар билан ишлаб чиқариш шартномалари тузилди.

Бу ерда тайёрланган аста-секин; хусусийлаштириш дастури шу тариқа амалга оширила бошланди. Дастурни рўёбга чиқариш чоғида механика усталарига 14 та автомашина ўз қийматига сотилди. Бундан иккала томон ҳам мамнун бўлди. Бирлашма автомобилларни сақлаш ташвишидан қутилди. Айни пайтда усталарнинг меҳнат унумдорлиги анча ошди. Чунки улар буюртмачи ҳузурига бориш учун анча кам вақт сарфлайдиган бўлдилар.

ҚАРДОШ ҚОЗОҒИСТОНГА

● Тошкентдаги олий ўқув юртларининг 120 нафардан ортиқ талабаси қурилиш отряди таркибида Қозоғистоннинг Толдиқўрғон вилоятига жўнаб кетди.

Талабалар у ердаги колхоз ва совхозларда коттеджлар ва чорвачилик биноларини қурадилар. Ўзбекистон Ёшлар меҳнати конфедерацияси Қозоғистон хўжаликлари билан шартнома тузди. Шартномага мувофиқ йигит ва қизларнинг ойлик ўртача иш ҳақи беш—олти минг сўмни ташкил этади. Бу талабалар стипендиясига салмоқли қўшимчадир.

(ЎзА).

• Дил сўзи

КАМОЛОТ

● Оддий ишчи оиласидан чиқиб, мунтазам ўқиб, ўрганиб, катта қийинчиликларни енгиб кўзлаган мақсадига эришган фозиллар кўп. Улардан бири Тошкент Давлат аграр университети агрокимё ва тупроқшунослик факультети декани, органик ва физколлоид кимё кафедраси мудири Абдултип Абдусаматовдир.

Умидли дунё, дейдилар Абдулатип 1957 йилда Тошкент доришунослик институтини тамомлаб, Қозоғистон ва Ўзбекистон дорихоналарида ишлаб юраркан, Абу Али ибн Сино асарларидаги шифобахш ўсимликларни ўргана бошлайди. Аъзою-бадани қақшаб турган дардманд кишиларнинг дардига малҳам топишдек эзгу иш уни бу борада янада билимини оширишга, янги дори-дармонлар тадқиқотида иштирок этишга ундади, 1974 йилгача Республика Фанлар академиясининг ўсимлик моддалари кимёси институтида таниқли олим, академик С. Юнусов раҳбарлигида аспирант, кичик ва катта илмий ходим бўлиб ишлади.

Илмий-тадқиқотларда кенг иштирок этиш, илм-фанга бўлган интилиш ўз самарасини берди. 1963 йилда номзодлик, орадан тўққиз йил ўтгач эса кимё фани бўйича докторлик диссертацияларини муваффақиятли ёқлади. 1974 йили А. Абдусаматов Тошкент Давлат аграр университетининг органик ва физколлоид кимё кафедраси мудирлигига ўтди. Ташкилотчилиги ва одамлар билан ишлашдаги қобилияти туфайли университетнинг агрокимё ва тупроқшунослик факультети декани этиб тайинланди.

Олимнинг ёшларга таълим-тарбия бериш соҳасидаги юутуқлари университетда ишлаш жараёнида яққол намоён бўлди. Республика табиий бирикмалар кимёсини ўрганишга катта ҳисса қўшиб келаётган А. Абдусаматов иқтидорли олимлардандир. Унинг ўсимлиқ моддалари кимёсини ўрганишда қирқдан ортиқ (18 та янги) моддаларни аҳратиб олганлиги, бунинг ёрқин далилидир. Олимнинг изланишлари туфайли табиий бирикмалар асосида икки юздан ортиқ бошқа турдаги моддалар олинди. Шулардан галантамин шол касаллигига, метилапагалантамин қон босимини туширувчи дорилар сифатида тиббиётга татбиқ этилди, тузилган ишлаб чиқариш технологияси бўйича Тошкент кимё фармацевтика заводида кўплаб тайёрланади. Шунингдек, у жорий этган икки кимёвий модда қишлоқ хўжалигида ҳам синаб кўриляпти.

А. Абдусаматовнинг кўплаб шогирдлари бор. Олимнинг 120 дан ортиқ илмий асари чоп этилган. Жумладан, уларнинг йигирма иккитаси дарсликлар ва ўқув қўлланмаларидир. Органик, физик ва коллоид кимё фанлари бўйича қишлоқ хўжалик олий билимгоҳлари талабалари учун биринчи маротаба ўзбек тилида дарсликлар ҳам ёзди.

Мураббий-олим ижтимоий ҳаётда ҳам ўз фаоллиги билан кўзга ташланиб туради. У Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги кимё фани бўйича ўқув-услуб, университет илмий кенгашлари аъзоси ва маслаҳат илмий кенгашининг раиси вазифаларини сидқидилдан бажариб келяпти.

Жамоамиз ва талабаларимиз орасида А. Абдусаматов камтарлиги, ўз касбининг фидойиси, малакали ўқитувчи, мураббий, моҳир ташкилотчи ва истеъдодли табиатшунос сифатида танилган. Бугунги табаррук олтмиш ёшида А. Абдусаматов янада ғайратга тўлиб, республикамиз истиқлолидан руҳланган ҳолда янгиянги уфқларни кўзлаб меҳнат қилмоқда. Қамолга эришган камтарин инсон, танқиди олимга эзгу тилаклар изҳор этамиз.

Э. ШАЙХОВ.
Халқлар Дўстлиги ордени Тошкент Давлат аграр университети ректори, академик.

• ЧИҚИТСИЗ ТЕХНОЛОГИЯ: МУАММО ЕЧИМИНИ КУТМОҚДА

ОЁҚ ОСТИДАГИ ХАЗИНА

ЕКИ 30 ЙИЛДАН БУЁН ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ УЧУН ЗАРУР БЎЛГАН ТАБИИЙ ХОМ АШЕДАН ФОЙДАЛАНМАЙ КЕЛИНАЁТГАНИ ҲАҚИДА

● Жумҳурият иккиламчи ресурслари ҳақида гап кетганда мутахассислар кўпроқ Ангрен миқтақасини тилга олишади. Дарҳақиқат, бу ерда саноатнинг турли тармоқларида фойдаланса бўладиган умумиттифоқ (эндиликда МДҲ) каолин заҳираларининг 40 фоиздан знёдроғи тўпланган.

МУТАХАССИСЛАР фикрича, ушбу каолинда 30 фоиз алюминий бор. Ундан девор керамикаси, сантехника буюмлари, канализация ва дренаж қувурлари, ғишт ҳамда бошқа материаллар тайёрласа бўлар экан. Бу мўъжизавий хом ашёдан яна қоғоз, резина-техника буюмлари, электр техника асбоблари тайёрлашда ва ҳатто бадиий буюмлар, ҳайкаллар ясашда ҳам фойдаланиш мумкин.

Афсуски, бу иш Ангрен ёки жумҳуриятнинг бошқа шаҳарларида эмас, балки собиқ Иттифоқнинг айрим минтақаларида амалга оширилярди. Тўғри, бизда ҳам қўллашади, фақат тажриба тариқасида. Ўзингиз таққослаб кўринг: Ангрен кўмир разрези атрофида бугунга келиб 40 миллион тоннадан ортиқ каолин заҳираси тўпланган. Ангрен шаҳар ҳокими С. Юсупалиевнинг айтишича, ушбу чиқиндилар уюми ҳозир қарийб 25 минг гектар ерни эгаллаб турибди. Кўмир қазиб олувчилар учун кенг иш шароити яратиш мақсадида кўплаб тўғонларни бузиш, йўл ва алоқа коммуникацияларини кўчиришга тўғри келяпти.

Чиқинди уюми эса кундан кунга кўпайиб бормоқда. Аслида буларнинг ҳаммаси кўмир ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш натижасида вужудга келяпти. Маълумки, жумҳуриятдаги бир қатор корхоналар, электр станциялари Ангрен кўмири эвазига ишлаяпти. Шу боис бу ерда нима қилиб бўлса ҳам ишлаб чиқаришни кенгайтириш кон жамоасининг асосий вазифасига айланмоқда. Гапнинг қисқаси, шахтёрлардан фақат биргина маҳсулот—кўмир учун режа сўраляпти, холос.

Ваҳолонки, кўмир билан бирга саноат учун жуда фойдали хом ашёлар ҳам қазиб олиниши ҳеч кимни қизиқтирмаяпти. Бинобарин, каолин ва бошқа ер ости қазилмалари кераксиз буюм сифатида чиқиндига чиқарилянти. Худди шу ернинг ўзига Ангрен ГРЭСидан кул-тошқол (золошлак)лар ҳам келтириб ташланмоқда. Ҳозир кўмирни ёқиш эвазига пайдо бўлган ушбу чиқиндилар 60 гектар майдонни эгаллаб турибди.

Хуллас, бу ерда хўжасизлик яққол кўриниб турибди. Айниқса, қурилиш индустриясида қоплама материал ўрнида етишмай турган юқори сифатли оҳактош маҳсулотларнинг чиқинди уюмларига ташлаб юборилиши бундан далолат. Тўғриси, тоғ-тоғ чиқинди уюмларини кўриб табиат берган текин инъом ҳеч кимга керак эмас экан-да, деган хаёлга борасан киши. Аммо бундай эмас, Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида (асосан жумҳурият Бинокорлик материаллари саноати вазирлиги томонидан) оҳактошни қазиб олиш ва майдалаш бўйича йирик механизациялашган тош кони хўжаликлари барпо этилган.

Ҳисоб-китобларга қараганда, Ангрен ГРЭСидан чиқарилаётган кул-тошқолларнинг бинокорлик саноати учун материаллар тайёрлашдаги аҳамияти катта. Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, иссиқлик электр станциялари чиқиндиларидан самарали фойдаланиш натижасида, масалан, цемент ишлаб чиқаришга кетадиган харажатни 10 фоиз камайтириш ва охир-оқибатда ҳозирги иқтисодий танглик шароитида ўта тақчил бўлган 1 миллион тонна қўшимча цемент маҳсулотлари ишлаб чиқариш имконини беради.

Тажриба мутахассислар ҳисобини тасдиқлади. Дейлик, «Оҳангарон» цемент бирлашмаси йил давомида 50—60 минг тонна Ангрен кул-тошқол чиқиндиларини ишлатиш туфайли давлатнинг 100 минг сўмлик пулини тежаб қолди. Бироқ бу тажрибани жумҳуриятнинг бошқа цемент корхоналарида кенгроқ қўллашга ҳаракат бўлмади. Бунинг асосий сабаби эса Ўзбекистон Бинокорлик материаллари саноати собиқ Нархлар давлат қўмитаси каолинни ўз таннархидан паст нархларда сотишга мажбур қилди. Тўғриси, режалаштиришдаги ва нарх белгилашдаги эски усуллардан ҳали-қануз воз кечилмаганига ҳайрон қоласан киши. Дейлик, ҳозиргача ушбу қимматбаҳо хом ашёнинг бир тоннаси 2 сўмга баҳоланяпти. Шу ўринда эслатиб қўйган маъқул: жаҳон бозорида каолиннинг ҳар тоннасига 60 долларгача тўлашяпти. Қисқаси, хорижда унинг ҳақиқий баҳосини яхши билишади. Бизда-чи?

80-йилларнинг бошларида ушбу муаммони собиқ СССР режа қўмитаси топширигига мувофиқ «Ўрта Осиё кўмир» бирлашмасининг тармоқлараро ишчи гуруҳи мутахассислари ҳал қилишга уриндилар. Ангрен минтақасидаги минерал хом ашёлардан комплекс фойдаланишнинг 2005 йилгача бўлган дастури ишлаб чиқилди. Дастурдаги тадбирларни амалга ошириш учун бир қатор манфаатдор вазирлик ва идораларни жалб қилиш белгиланди.

Бироқ қарийб 10 йил вақт ўтдики, бу соҳада силжиш бўлмади. Масалан, дастурда 1990 йилгача Ангренда йиллик қуввати 2 миллион тонна каолин тайёрлайдиган майдалаш-саралаш фабрикаси қурилиши кўзда тутилганди. Республика бинокорлик материаллари саноатини юқори сифатли хом ашё билан ишончли таъминлаш мақсадида иншоотни барпо этишда манфаатдор томонларнинг пайчилик асосида қатнашуви режалаштирилганди. Тўғри, иншоот қурилиши бошланди. Бироқ молиявий маблағлар бўлмаганлиги туфайли қурилиш чўзилиб кетди. Ҳозирча ҳеч ким фабриканинг биринчи навбати қурилиши аниқ бир муддатда тугалланишига кафолат бергани йўқ.

Юқоридаги дастурда белгиланган бошқа иншоотлар қурилиши ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Қисқа муддатда кул-тошқол ортиш-тушириш учун темир йўл тармоғи қурилиши, цемент ишлаб чиқаришда махсус қўшилмалар заводлари барпо этилиши керак эди. Афсуски, буларнинг барчаси қоғозда қолиб кетди.

Хайрият, мустақилликка эришилгандан кейин жумҳуриятнинг ҳукумати иккиламчи ресурсларга ҳам эътибор қарата бошлади. Яқинда Ангрен кўмир разрезида йўл-йўлакай қазиб олинаётган хом ашё ва ишлаб чиқариш чиқиндиларидан фойдаланиш муаммоларига бағишланган илмий-амалий семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Уни «Ўзбекистон» давлат-ширкат илмий-тадқиқот маркази олим ва мутахассислари ташкил этишди. Семинар-кенгаш ишида республикамиздан ташқари Эстония, Екатеринбург, Самара ва МДҲ бошқа шаҳарларидан келган олимлар, ишлаб чиқариш мутахассислари қатнашдилар. Сўзга чиққанларнинг кўпчилиги минерал ресурслар ҳамда чиқиндилардан самарали ва тўлиқ фойдаланиш катта аҳамиятга эга эканлиги, бу йўналишда ҳамкорликда иш олиб бориш зарурлигини таъкидладилар.

Яна бир янгилик шуки, «Ўзбекистон» давлат-ширкат илмий маркази, «Прогресс» уюшмаси Ангрен иккиламчи ресурсларидан фойдаланиш тармоқлараро дастурининг ташкилотчи ва ижрочилари бўлиб майдонга чиқдилар. Ангрен тадбиркорлар уюшмаси ҳам бу ишда четда турмайдиган бўлди. Эндиликда бу минтақадаги иккиламчи хом ашё ва чиқиндилар ишбилармонлар саъйи-ҳаракатлари туфайли жумҳурият хазинасига айланади ва охир-оқибат иқтисодиётимизни тиклашга хизмат қилади, деган ишонч туғилмоқда.

И. АҲМЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» жамоатчи мухбири.

• ИНСОН ВА ТАБИАТ •

Нафас олай десам мусаффо ҳаво, ташналикни босай десам зилол сув йўқ: Борлиқ эса қора тутун, зулматли қуюн орасида. Ҳадиқдан, ханжирашдан толиқасан киши. Ноилож қуш ниннга талпинган каби кулбангга чопасан. Тешик-туйнукни ёпиб, суту қатиқ сипқориб хиёл ўзингга келасан. Ҳа, азиз муштарий! Ҳассос шоиримиз, мутафаккир бобокалонимиз номи билан аталувчи Навоий шаҳри бугун жаннат эмас, мисоли дўзах. Мир Алишер Навоий ўзи асарларида табиатнинг ажиб манзарасини, унинг сержўшқин дарёлари, саховатга тўла боғ-роғларини мадҳ этди. Тоғни талқон қилган, асрий саҳрони изгига бўйсундириб, тошда гул ундирган замон Фарҳодларини бот-бот улуғлади. 1955—1960 йилларда Маликчўл сарҳадларида, қақроқ барханлар ўрнида бунёд этилган Навоий шаҳрини бевосита улуғ адибимиз орзуси дейиш мумкин. Чиндан ҳам афсонавий бу шаҳар ўзига хос услубда қурилгани ҳамда замонавийлиги билан кишини лол қолдиради. Афсуски, ана шу бежирим шаҳар бугун ўт орасида...

ШАҲАР МУСАФФО ҲАВОГА ТАШНА

● ЎТ-ЎЛАНЛАР ЎРНИДА...

● ЎСАЁТГАН «СУНЪИЙ ТОҒЛАР»

● ФАРҲОД ФАРЕД ЧЕКМОҚДА

ХАР гал шаҳар оралаганимда Алишер Навоий қумсаган, асарларида кенг таъриф этган гулшанни, шер мисол Фарҳодларни эслайман. Айниқса, шаҳар ҳуснига-ҳусн қўшиб турган афсонавий Фарҳод ҳайкали, унинг пойидан сачраб турган фаввора бобом эзгуларини қайта-қайта эслатади кишига. «Фарҳод», «Ширин» маданият саройларида, «Қорақум», «Карвон» қаҳвахоналарида бўлганда эса «Ҳамса»даги ўтмиш қаҳрамонлари кўз ўнгингизда гавдалангандек бўлади. Лекин, йигирманчи аср фожиаси саналмиш кимё корхоналарига, йўқдан бор қилаётган кимё бирлашмаларига рўпара келдингизми, ҳайратдан ёқа ушлайсиз. Минорали қувурлардан соф ҳавога бурқсиб чиқаётган сариқ ва қора тутунлар, турли заҳарли газлар жаннатни дўзахга айлантирмоқда.

Замон борди-ю тескари қайтиб бобокалонимиз ўз муқаддас номи билан аталувчи шаҳарга ташриф буюрсалар борми, биз авлодлардан қаттиқ ранжиши, қолдирган меросидан воз кечиши ҳеч гап эмас. Аниқроғи, Навоий бугунги кунда табиати булғанган, соф ҳавоси ва зилол суви ифлосланган ҳудуддир. Бунга эса «ривожланган» шаҳар саноати, гуркираган кимё корхоналари сабаб. Худди шу йиллар давомида табиатга зарари сир тутиб келинган саноат корхоналари 85 миллат ва элатга мансуб 120 мингдан зиёд навоийликларни бугун саросимага солмоқда. Қора тутунлар орасида заҳарланган ҳаво, ифлосланган сув нафақат шаҳар, балки Навоий вилоятининг Кармана шаҳри, Навбаҳор, Қизилтепа, Навоий районлари, Самарқанд вилоятининг Пахтачи райони ҳар бир фуқаросини, тирик мавжудотни гирибонидан бўғмоқда, турли касалликларга чалинтирмоқда.

Хўш, бунга қандай йўл қўйилди? Нега энди кимё корхоналарини ҳуда-беҳуда кўпайтириш учун фақат Навоий ўта мақбул жой ҳисобланди? Олтмишинчи-етмишинчи йилларнинг «ура-ура»чилиги, қолаверса, турғунлик давридаги «марказга бўйсуниш», буйруқбозлик, кўр-кўрона кўрсатма бериш ҳолатлари бундай қалтисликка сабаб бўлди. Шунингдек, шаҳарнинг айтарли тўрт тарафи Маликчўл, Тўдакўл, Нурота қир тизмалари ҳамда «Нарпай» давлат хўжалиги кенг пахта майдонлари билан ўралгани ўта чиқитли корхоналарнинг кўпайишига олиб келди. Ҳозирги кунда Навоийда атиги иккиуч эмас, балки 16 та у ёки бу саноат корхонаси мавжуд. Навоий электркимё корхонаси, таъмирлаш механиклик ҳамда тоғ металлургия, цемент заводлари, кон-металлургия комбинати, «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси шаҳарни заҳарлаётган корхоналар рўйхатининг энг бошида туришибди. Худди шу корхоналарни бугунги «ажал аждаҳолари», деса муболаға бўлмас. Зеро, узоқ йиллар давомида бизга Навоий саноатининг келажаги, халқнинг турмуш маданияти истиқболи сифатида тиқиштирилган бу сингари завод ва корхоналар ҳар йили ҳавога тонна-тонна заҳарли кимё чиқитларини чиқармоқда.

Натижада аҳоли ўртасида сариқ касаллиги, камқонлик, бола ташлаш, аллергия, нафас йўллари хасталиклари муттасил кўпаймоқда. Ҳозирги пайтда шаҳар ҳавоси оксидли азот чанглари билан икки маротабадан ортиқ зарарланган. Бу — кимё корхоналаридан йил давомида чиқадиган 55—60 минг тонна заҳарнинг салбий оқибати. Шу боис касаллик ва заҳарланиш айниқса шаҳарда, Кармана ва Тинчлик посёлкалари, темирйўл вокзали тевараги, Комсомол кенти, «Қизил Ўзбекистон» жамоа хўжалигидаги Дўрмон ва Туркман қишлоқларида ниҳоятда юқори. Туркман қишлоғида бирор бир хонадон йўқки, заҳарланган ҳаводан азият чекмаган бўлса.

Бунинг устига «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва электркимё заводи ҳамда кон металлургия комбинатидан чиқадиган қаттиқ ва ярим суюқ ҳолдаги чиқиндилар ер ости сувларини ҳам заҳарламоқда. Масалан, электркимё заводининг чиқинди тўпланадиган ҳавзаси Маликчўл ҳудудида бўлиб, умумий майдони 325 гектарни ташкил этади. Унда ҳозиргача етти миллион тонна қора заҳар йиғилган. Келинг, шу ўринда айрим далилларга мурожаат қилайлик. «Ажал ҳавзаси» яқинида Қизилтепа районидаги «Маликчўл» давлат хўжалиги қўй-қўзилари боқилади. 1988—1990 йилларда шу ҳавзадан сув ичиб, хўжаликнинг юздан зиёд моли нобуд бўлди. Энг ташвишлиси, чўпон-чўлиқлар турли касалликларга чалинишди.

Афсуски, Маликчўл сарҳадларида бу сингари заҳархона битта эмас. 170 гектар майдонни ташкил этган кон-металлургия комбинатининг заҳархонаси, қарийб 42 гектарни эгаллаган «Навоийазот» бирлашмасининг чиқитли «сунъий тоғ»и табиатни булғамоқда, кишилар саломатлигига зиён етказмоқда. Ҳа, биз кейинги уч-тўрт йил ичида Орол қисмати ҳақида, Навоий шаҳри саноат корхоналарининг зарарли оқибатлари хусусида бот-бот ёзяпмиз. Бу чинакам ошкоралик шарофати, албатта. Бироқ «экология бузилди», «одамлар заҳарланди», деган билан фалокатлар олди олинмайди. Экологик муҳитни яхшилаш учун бутун жамоатчилик қўлни-қўлга бериши лозим. Тан олиш керакки, кейинги пайтларда бир қатор кимё корхоналарида котаран, изофен, фозалон сингари ўта зарарли хом ашёлар бошқалари билан алмаштирилди. Кўплаб зарарли цехлар кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришга мослаштирилди. Лекин, бу етарли эмас. Негаки, азот, аммиак, цемент чанги, оксидли газлар ҳамон шаҳар нафасини бўғмоқда.

НАВОИЙ воҳасининг асосий ҳаёт-мамоти, қон томири—Зарафшон. Дарёга қадим-қадимдан бундай ном берилиши ҳам бежиз эмас. Чунки илгари жўшқин пишқириб оққан бу дарё Самарқанд, Навоий, Бухорони бир-бирига чамбарчас боғлаган. Дарёдан оққан зилол, мусаффо сув, об-ҳаётга ташналар чанқоғини босган. Қақроқ, биёбон саҳроларни боғу чаманга, гулзорга айлантирган. Бунинг устига то олтмишинчи йилларга қадар дарёдан ҳар уч вилоят аҳолиси ва суғориладиган ерларига етгулик сув оққан. Унинг қирғоқлари тўқайзор, юлғунзор бўлиб тустовуқлар, какликлар, беданалар сайраган. Энди-чи?

Надоматлар бўлсинким, эндиликда Зарафшон суви Бухорога етмай Ғиждувондаёқ тугаб, бир ариқ мисоли жилдираб оқмоқда. Ҳозир биз — навоийликлар Амударёга ёпишганмиз, унинг сувини чаққулоқ қилганмиз. Демак, Орол қисматида бизнинг ҳам улушимиз бор. Аслида Зарафшон дарёсида 32—35 кубометр сув оққан. Энди бўлса мазкур дарёдан атиги 19—20 кубометр сув оқяпти. Энг ачинарлиси, шу йигирма кубометр атрофидаги сув аслида заҳардир. Дарё сувининг бу хилда зарарланишига асосий сабаб Самарқанд вилояти худудидаги саноат корхоналарининг дарё ўзани ҳамда қирғоғига қурилганидир. Боз устига Навоий саноат зонасидаги корхоналар, жумладан, Навоий ГРЭСи дарёни заҳарга тўлдирмоқда.

Чунки тўппа-тўғри дарё устига қурилган ГРЭС қувур ва турбиналари асосан унинг суви билан совутилади. Бу эса Зарафшон сувининг бактериал ва кимёвий ифлосланишига олиб келмоқда. Аслида турбиналар, генераторлар, метиль спирт ҳамда кислоталар билан тозаланади. Демак, уларни совутишда ишлатиладиган дарё суви ҳам кислотага, ҳам заҳарга аралашади. Қарабсизки, дарё тўлиб сув ўрнига заҳар оқмоқда. Гидрогеологлар, гидрофизикларнинг қайд этишича, ГРЭС турбиналари совутилиб, қайта дарёга оқизиб юборилган сувда нормадагига нисбатан сульфатлар олти марта, ёнилғи маҳсулотлари беш, магний икки, темир тўрт, хром беш, мис 26, феноль тўрт марта кўп экан. Умуман олганда, сувнинг нитратлашиб, минераллашуви иккиуч маротаба ортиб кетган. Демак ГРЭСда ишлатилиб, оқизилган сувни истеъмол қилиш умуман мумкин эмас. Лекин наилож. Навбаҳор районидаги Ленин номли, Охунбобоев номли, Навоий номли, «Зарафшон» жамоа хўжаликлари, Навоий районидаги «Қизил Октябрь» жамоа хўжалиги ери, аҳолиси шу заҳарланган сувдан ичишмоқда. Суғорилган қишлоқ хўжалик экинлари қовжираб, ҳосилдорликка зиён етмоқда. Болалар ўртасида ич терлама, ичбуруғ, ошқозон-ичак касалликлари кенг тарқалмоқда.

Зарафшон дарёси воҳасида вужудга келган бу танг экологик ҳолатни яхшилаш тўғрисида 1986—1990 йилларда ҳукумат миқёсида қатор қарорлар қабул қилинган. Афсуски, бу қарорлар ўз ижросини топмади. Энг ачинарлиси, оқава ва ташландиқ сувларнинг дарёга қўшилиши олдини олиш ҳақида махсус лойиҳа тайёрлашни жумҳурият Сув хўжалиги вазирлиги ҳамон орқага сурмоқда.

НАЗАРИМДА, ўзбекнинг ўзлигини танийдиган давр келди. Биз узоқ йиллар орзиқиб кутган мустақилликка ҳам эришдик. Шундай экан, энди бўлсабўлмаса янги ер оч, дарёни бу ёққа бур, деган эскича буйруқбозликлардан қутулишимиз, етти ўлчаб бир кесишимиз лозим. Чунки обдон ўлчаб бичилган тўн асло тор келмаганидек, ўйлаб, бамаслаҳат қилинган иш бугунгидек ечимталаб муаммо ва ташвиш туғдирмайди.

Вақт борида ғафлат уйқусидан уйғонайлик, булғанган табиатимизни, заҳарланган дарёмизни асил ҳолига келтирайлик! Бу ўринда жумҳурият ва вилоят табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмиталари фаоллари ташаббусни ўз қўлларига олмоқлари шарт. Ҳар бир фуқаро сув, тупроқ, табиат учун фарзандлари олдида жавоб беришни асло унутмасин!

М. ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Навоий вилояти.

Ташкилотлар ва хўжаликлар раҳбарлари диққатига "ЎЗБЕКИСТОН"

кўп тармоқли агросаноат биржаси қошида қурилиш материаллари ва ускунлари шўъбаси тузилди

Бу шўъбанинг асосий вазифалари:
қурилиш материаллари бозорини ривожлантириш;
бу материалларни ишлаб чиқарувчилар ҳамда истеъмолчилар учун янада қулай шароитлар яратиш;
товар оборотини, шунингдек, агросаноат комплекси фаолиятида ижтимоий ва ишлаб чиқариш хизматларида инвестиция (пул маблағлари) дастурини қўллаб-қувватлашдан иборат.

Шўъбани ихтисослаштириш биржа савдосини ташкил этишда, қурилиш материаллари ва уларни ишлаб чиқариш учун хомашё ва ускунлар олди-сотди жараёнларини уюштиришда, лойиҳа-излаш ҳужжатларини, қурилиш комплексида бунёдкорлик ва бошқа ишларни бажаришга доир пудратлар тайёрлашда юксак билармонликни кафолатлайди.

Биржа бошқаруви қурилиш материаллари ва ускунларини асосий тури бўлган цемент, ойна, сантехника жиҳозлари, том ёпиш материаллари, бўёқлар, ёғоч ва ишлов берилган ёғочларни ишлаб чиқарувчилар учун **15 имтиёзли ўрин белгилади.**

Имтиёзли ҳар бир ўриннинг баҳоси 100 минг сўм.

Бу ўринларни эгаллаш учун эълон босилиб чиққан кундан бошлаб бир ой муддатда аризалар қабул қилинади.

"ЎЗБЕКИСТОН" биржасининг қурилиш материаллари ва ускуналари шўъбасининг очилиш маросими ва биринчи савдоси 1992 йил 24 июль куни соат 10да Ўзбекистон Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг ирригация ва сув хўжалиги мелиорацияси павильонида бўлади.

Буюртмаларингизни
(3712) 45-06-45, 45-10-68, 45-89-56 телефонлари орқали кутамиз.
Манзилимиз: 700013, Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги кўчаси, 8-уй.

ҚОЗОНДА БОРИ ЧЎМИЧДА

Косон бозори пештахталари мева-ю сабзавот маҳсулотларига лиммо-лим. Бу пишиқчиликдан, деҳқонлар баракали тер тўкканлигидан далолат. Бозор тўкинлигидан сотувчи ҳам, харидор ҳам мамнун. Шу ҳолатни кўриб, олма сотаётган кишига юзланамиз.

— Олманинг килоси қанча?

— Етти сўмдан ола қолинг, пулингизга куймайсиз. Мева ўзимнинг боғимдан, кўтарганига сотаман.

— Отангизга минг раҳмат, — дейди у билан савдолашмоқчи бўлган харидор.

Бозорда ўрикнинг килоси беш сўм. Бодринг ва помидорнинг нарҳи тушган. Демак, Косон бозорида вилоят шаҳарлари бозорларига қараганда маҳсулот уч-тўрт баробар арзон. Хўш, бунинг боиси нимада?

— Маҳсулот сероблигида — дейди район ҳокимининг биринчи ўринбосари Н. Аллаёров. — Колхоз ва совхозларимизда бу йил мева ҳар қачонгидан мўл бўлди. Район бўйича давлатга минг тонна мева топшириш режалаштирилган. Боғбонларимиз бу режани бир ярим ҳисса қилиб бажаришни мўлжаллашмоқда. «Партия XXII съезди» колхози давлатга юз тонна ўрнига — 200 тоннадан зиёд мева топширди. Ҳали боғлар файзи йўқолмаган. Мева кўп. «Ленинград» совхози, Ленин номли, Улуғбек номли колхозда, Энгельс номли, маршал Чуйков номли совхозларда ҳам мева тайёрлаш қизғин. Боғбон ва соҳибкорларнинг эл дастурхони тўкинлиги йўлида қўлни-қўлига тегмайди. Республика Президенти Фармонига биноан район аҳолисига тўрт минг гектар ер томорқага, 3,5 минг гектар ер фермер хўжаликларига бўлиб берилганди. Айни пайтда томорқа хўжаликлари ерларидан унумли фойдаланаётган деҳқонлар бозорларни яшнатмоқдалар. Шахсий томорқаларда етиштирилаётган помидор, сабзи-пиёз, бодринг ва бошқа кўкатлар бозорларга келтирилиб, арзон нархларда сотиляпти. Колхоз ва совхозлар маҳсулотини эса давлат дўконларидан арзон нархда харид қилиш мумкин.

Бу йил маҳсулот мўлкўллигини таъминлаш учун колхоз ва совхозлардаги пахтачилик бригадалари ҳузурида тўрт гектардан ўн гектаргача майдонда сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштирилмоқда. Шунингдек, Ульянов номли колхознинг тўртта пахтачилик бригадасида экилган 16 гектар ердаги картошка, ўн гектар майдондаги пиёз пишиб етилди. Ленин номли колхознинг Р. Шодмонов, Ў. Фармонов бошлиқ пахтачилик бригадалари дала шийпони ёнида етиштирилган картошка, пиёз ва мевадан колхозчилар оилалари ҳам баҳраманд.

Ҳадемай бозорда арзон нархда арпа-буғдой, чорва моллари учун сомон ҳам пайдо бўлади. Колхоз ва совхозларда 20 минг гектар ерда (шунинг етти минг гектари суғориладиган майдон) ғалла мўл бўлди. Ўн олти минг тонна дон давлатга топширилади. Омборларда дон сероб бўлса, кишилар кўнгли тўқ, кайфияти чоғ бўлади. Ғалланинг бир бошоғини ҳам нобуд қилмасдан йиғиштириб олишга ҳаракат қилаётган косонликлар техника кучидан унумли фойдаланмоқдалар. Аҳолининг ўзи эккан ўн минг гектар ердаги донинг ҳам бошоқлари тўлиқ. Ҳозир далаларда юзга яқин комбайн юксак унум билан ишлатилмоқда. Улар ёрдамида давлат ва жамоа хўжаликлари, шахсий томорқалардаги 300 — 350 гектар майдоннинг ғалласи ўриб-янчиб олиняпти.

Тақчиллик шароитида хўжаликлар оқилона иш тутаётганлиги зое кетмаяпти. Энг муҳими бозорларда арзончилик. Бир сўз билан айтганда, қозонда бори чўмичга чиқяпти.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚИТЪАЛАР ВА ОДАМЛАР

ПОЛЬША:
ВАЗИР ТАЙИНЛАНДИ

● Польшада беш ҳафта давом этган ҳукумат танглиги ниҳоят тугади. Мамлакатда янги бош вазир тайинланди. Республика ҳукумати тарихида илк марта аёл киши бош вазир бўлди.

Бош вазир Ханна Сухоцка 46 ёшда. Давлат ҳуқуқшунослиги бўйича мутахассис. Оила қурмаган. 1980 йилда «Бирдамлик»ка аъзо бўлиб кирган.

Янги вазир мамлакат парламенти асосан уч ой мобайнида социал-иқтисодий ислоҳотлар режасини олади деб умид билдирди. Бош вазир Варшавада матбуот конференциясини ҳам ўтказди.

ЯПОНИЯ:
ВАЗИФАСИНИ БАЖАРИШГА КИРИШДИ

● Япония ташқи ишлар вазири Митио Ватанабе ўз вазифасини бажаришга киришди.

Япония ташқи ишлар маҳкамасининг бошлиғи операциядан муваффақиятли чиқди. У Токио шаҳридаги госпиталлардан бирида 42 кун даволанди.

ГРЕНЛАНДИЯ:
МУВАФФАҚИЯТЛИ СИНОВ

● Европа қитъасининг 8 мамлакатидан 40 нафар тадқиқотчи қатнашган илмий тажриба муваффақиятли якунланди.

Гренландияда олиб борилган тажриба жуда қизиқарли бўлди. Тарихда биринчи марта уч километрли муз қатлами бурғуланди. Она заминимиздаги мана шу энг катта оролнинг ер сатҳига етиб боришга муваффақият бўлинди.

Олинган хулосалар илмий жиҳатдан тадқиқ этилаётир. Европа илмий жамияти томонидан уюштирилган синовда Дания, Бельгия, Франция, Исландия, Италия, Швейцария, Буюк Британия ва Германия вакиллари иштирок этишди.

ЮГОСЛАВИЯ:
БИРОЗ ОСОЙИШТАЛИК

● Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгаши БМТ кучларининг қўшимча қисмларини Сараево аэропорти яқинига зудлик билан юборишга ижозат берди. Шу муносабат билан бир овоздан қарор қабул қилинди.

Куни кеча Сараево аэродромига юк самолётлари келиб қўнди. Улар Босния ва Герцеговина пойтахтининг аҳолисига озиқ-овқат ва дори-дармонлар келтирди. Сараево шаҳрида кейинги кунларда бироз бўлса ҳам тинчлик ўрнатилди. Шу туфайли келтирилган маҳсулотларни тақсимлаш жараёни тезлашди. Аммо маълумотларга кўра Сараево ва бутун Босниядаги вазият таҳликали бўлиб турибди.

АҚШ:
ЯНГИ ТАШАББУС

● АҚШ Президенти Жорж Буш ядро қуролини ҳамда бошқа турдаги оммавий қирғин қуроллари ва уларни элтиш воситаларини тарқатмаслик соҳасида янги ташаббус билан майдонга чиқди.

Президент ракета техникаси ва технологиясини тарқатмаслик соҳасидаги мавжуд чора-тадбирларни мустаҳкамлашга даъват этади.

МИСР:
МАМЛАКАТ ТАБОБАТИДА БИРИНЧИ

● Мисрнинг Минуфия вилоятидаги шифохоналардан бирига келган бемор текшириб кўрилгач, унинг ички аъзолари одатдагидан тескари жойлашганлиги аниқланди.

28 ёшли Ғазала Абдал Атанинг юраги ва қора жигари ўнг томонда, жигари, ўт пуфаги ва кўр ичаги чап томонда экан. Бемор қиз ҳамиша ўзини яхши ҳис этиб яшаган ва ички аъзоларининг тескари жойлашганлигидан ноқулайлик сезмаган.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва рўзномаларининг хабарлари асосида).

Воқеалар — хабарлар

*

●Зебо Мўминова Булунғур районидаги «Булунғур» давлат хўжалигида меҳнат қилади. У йилнинг ярмида 47 тонна ўрнига 57 тонна сут топшириб, хўжалик ютуғига муносиб ҳисса қўшди.

Т. ДАВЛАТОВ олган сурат.

*

Иқтисодиёт янгиликлари

ТАРАҚҚИЁТ ФАОЛЛИКНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ

● Истиқболли ғояларни амалда рўёбга чиқариш ҳамон ўткир муаммо бўлиб турибди. Андижон районида фан ва техниканинг энг илғор ютуқларини, рационализаторлик таклифларини ўрганиш ва жорий этиш учун «Намуна» савдо-саноат ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳузурида махсус кенгаш тузилди.

Кенгаш аъзолари иқтисодчи олимлардан, турли соҳаларнинг етакчи мутахассисларидан, вилоятдаги жамоат ва хўжалик ташкилотларининг раҳбарларидан иборат. Ҳозирги иқтисодий муаммоларнинг ҳал этилиши уларнинг эксперт сифатида берган баҳоларига, ғайрат-фаолиятига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Янги кенгашнинг асосий мақсади уни тузувчиларнинг фикрича, — ихтирочилар, рационализаторлар ва ишбилармонлар ўртасида алоқаларни йўлга қўйишдан, янги ташаббусларни таҳлил этиш ва уларга илмий баҳо беришдан, шунингдек уларни жорий этишга доир тавсияномалар тайёрлашдан иборат. Кенгашнинг фаолияти «Намуна» бирлашмаси билан чекланиб қолмайди.

АҲИЛЛИК БИЛАН ИШЛАШЯПТИ

● Поп районда кичик корхоналарнинг фаолиятини тартибга солиш учун «Тадбиркорлар» бирлашмаси тузилди. У 69 та қишлоқ ёрдамчи корхоналари ва кооперативларини бирлаштирган.

Шундай қилиб, бозор талабларини аниқ белгилаш, куч-ғайратларни ва заҳираларни энг зарур буюмларни ишлаб чиқаришга қаратиш мумкин бўлмоқда. Масалан йирик ғишт заводи ишга туширилди. Чунки бу маҳсулот етишмай турибди, дурадгорлик, пахта саваш цехлари ишлаяпти. Сочиқ, дастурхон ва бошқа молларга ҳам эҳтиёж катта. Бирлашма маҳсулот тайёрловчиларга ўз буюмларини сотишга ёрдам бермоқда.

(ЎзА мухбирларининг хабарларидан).

• ВИЛОЯТЛАРДАН ДАРАКЛАР

ЖИЗЗАХ

МЕҲР-ШАФҚАТ УЙИ

● ҒАЛЛАОРОЛДАГИ «Зарурат» дўкони эндиликда «Меҳр-шафқат уйи» деб номланди. Бу билан унинг хизмати кўлами янада кенгайди.

Ушбу хайрли ишни бошлаган район матлубот жамияти «Меҳр-шафқат уйи»га бир йўла 30 минг сўм пул ажратди. Ташаббусни қўллаб-қувватлаган жамоалар, алоҳида кишилардан ҳам кийим-кечак, кундалик рўзғор буюмлари, пул маблағлари тушиб турибди. Энди райондаги қаровга муҳтож 66 нафар қария, 80 нафар етим бола «Меҳр-шафқат уйи»нинг мунтазам хизматидан баҳраманд бўлишади.

МЕҲНАТИГА ЯРАША ҒАЛЛА

● ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ҳар бир оилани 100 килограммдан дон билан таъминлаш борасидаги фармони «Ғаллаорол» давлат хўжалигида уюшқоқлик билан бажарилмоқда. Кўп болали оилаларнинг ҳар бир аъзосига қўшимча 50 килограммдан буғдой тарқатиладиган бўлди.

Хўжалик раҳбарлари ички имкониятларини қараб чиқиб, шундай қарорга келдилар. Шунингдек, йиғимтерим пайтида фаол иштирок этган ишчи-хизматчилар меҳнатларига яраша ғалла бериш йўлга қўйилганлигидан ҳам аҳоли мамнун бўлмоқда. Давлат хўжалигида кичик корхоналар очишга кенг эътибор берилаётир. Бу ерда кигиз, гилам, колбаса ишлаб чиқариляпти.

Б. САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• СПОРТ •

БУШ КЕЛИШМАДИ

● ИССИҚКЎЛ бўйлари, Чуй ва Норин вилоятлари ҳудудларида Қирғизистон Республикасининг шахсий-жамоа чемпионати ўтказилди. Велосипедчиларнинг бу мусобақасида Қозоғистон, Ўзбекистондан келган жами 50 киши ўзаро куч синашди. Тошкентдаги олимпиадага тайёргарлиқ маркази спортчилари муваффақиятли куч синашдилар. Улар жамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллашди. Шахсий ҳисобда Д. Сомойленько, С. Новиков, А. Зайцевлар совринли ўринларни олишди.

ОЛИМПИАДА ҚАНДАЙ ЎТАРКИН?

● БАРСЕЛОНАДА бошланадиган олимпиада мусобақалари олдидан ана шундай савол билан одамларга мурожаат этилди. 69 фоиз испанлар бу саволга ижобий жавоб бериб, «Ҳаммаси яхши бўлади», дейишди. Фақат 9 фоиз одамлар «ёмон, ҳатто жуда ёмон», деб жавоб қайтардилар. Бундан ташқари аҳолининг 84 фоизи олимпиада Барселонага ҳам иқтисодий, ҳам маънавий фойда келтиради деса, 51 фоиз жавобларда олимпиада туфайли Испания шуҳрат топади, деган маъно англашилинди.



● «Узконцернмаш» ходимлари маҳсулотларни турли ҳажмдаги қутичаларга жойлаштириш ҳамда уларни тайёрлаш бўйича ишларни изчил олиб бормоқдалар. Республикамиздаги қатор корхона ва хўжаликлар концерн билан амалий ҳамкорлик ўрнатган. Бу икки томон учун манфаатли бўлаётир.

Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги мухбири Р. ШАМСУТДИНОВ олган бу лавҳаларда корхона ҳаёти акс эттирилган: 1. Равшан Беков автомат қурилмани йиғмоқда. 2. Корхонанинг цехларидан бири.

САНЪАТКОР ҲИММАТИ

ЦИРКЧИЛАР ЖАМҒАРМАСИ

● Ўзбекистоннинг бой тарихига назар ташласак, унинг саҳифаларидан дарбозлар, қизиқчилар, чавандозлар ҳам муносиб ўрин олганлигини кўрамиз. Бу борада Тошканбой Эгамбердиевнинг ижодий фаолияти ва унинг юзлаб шогирдлари ўзбек санъатининг фахридир.

Бу санъатнинг довруғини янада кўтариш, санъаткорларга яқиндан амалий ёрдам бериш мақсадида Тошканбой Эгамбердиев номидаги цирк халқаро ҳайрия жамғармасини ташкил этишга аҳд қилинди. Бу савобли ишнинг ташкилотчиларидан бири «Саҳнада цирк» маъмуриятининг раҳбари, республикада хизмат кўрсатган артист Эркин Тошканбоевдир. У жамғарманинг асосий мақсад ва моҳияти ҳақида бундай деди:

— Цирк ҳамиша халққа хизмат қилиб, унинг кўнглини хурсанд этиб келган. Айниқса, бундай томошалар болалар кўз ўнгида ўзгача дунё касб этаётгандек туюлади. Лекин ҳозирги алғовдалғов пайтда бу санъат ҳам бошига ёққан қорни ўзи кураши лозим бўлиб турибди. Шунга қарамай катта циркни сақлаб қолиш, ёш авлодни тарбиялаш, чет эл сафарларини уюштириш, турли халқаро танловлар ташкил этиш, улуғ санъаткорларнинг хотирасини ёд олиш сингари вазифалар жамғарма низомида битилган.

Халқаро хайрия жамғармасини тузишда Россиядаги бир қатор жамғармалар, уюшмалар, компаниялар, Ўзбекистондаги ўнлаб ташкилотлар бизга ҳомийлик қилмоқда.

А. ҲОЖИАКБАРОВ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИНИНГ ЖАРЧИНОМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

1992—1993 ўқув йили учун кундузги таълимга Қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ИНГЛИЗ ФИЛОЛОГИЯСИ, НЕМИС ФИЛОЛОГИЯСИ, ФРАНЦУЗ ФИЛОЛОГИЯСИ, ИСПАН ФИЛОЛОГИЯСИ ВА РУС ФИЛОЛОГИЯСИ.

Университет мутахассис филологлар, муаллимлар, таржимонлар тайёрлайди.

1992 йилдан университетнинг кундузги бўлимида талабалар ўқуви биринчи маротаба бакалавриатура ва магистратуралар таркибида бўлган кўп босқичли таълимда олиб борилади.

Барча мутахассисликлар бўйича кундузги қуллиёт талабалари иккинчи чет тилини ўрганади.

Таржимонлар ва ўқитувчилар тайёрловчи қуллиётларга ажратиш биринчи курсда ўқишлар тамом бўлгандан кейин тест — синов йўли билан амалга оширилади.

Сиртқи ва кечки таълимда эса инглиз филологияси, француз филологияси, немис филологияси ва рус филологияси бўйича мутахассислар тайёрланади.

Кундузги, сиртқи ва кечки қуллиётларга ўқишга кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширади: чет тили (оғзаки), ўзбек (рус) тили ва адабиёти (иншо), ўзбек ва рус тили (ёзма).

Рус филологиясига кирувчилар рус тили ва адабиётидан (иншо), чет тилидан (оғзаки) ва ўзбек тилидан (ёзма) имтиҳон топширади.

Ўрта мактабларни медаль ва ўрта махсус билим юртларини имтиёзли диплом билан тугатганлар фақат мутахассислик бўйича қабул ҳайъати белгилаган фандан битта имтиҳон топширадилар.

Мутахассисликдан «беш» баҳо олгандагина бошқа имтиҳонлардан озод қилинади.

Университетга қабул қилиш кириш имтиҳонларида тўпланган баллар асосида умумий танлов йўли билан Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1992 йил олий ўқув юртларига қабул қилиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

Абитуриентларни ташкилотлар ва корхоналар буюртмаси бўйича шартнома асосида мақсадли қабули ҳам амалга оширилади.

Кирувчилар аризага ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхасини, 086/У нусхадаги тиббий маълумотнома, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (ишдан ажралмаган ўқишга киришда), 3×4 ҳажмдаги олтита фотосуратни қўшиб топширади.

Паспорт ва ҳарбий хизматга оид ҳужжат эса шахсан кўрсатилади.

КУНДУЗГИ ТАЪЛИМГА ҲУЖЖАТЛАР 31 ИЮЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 1 АВГУСТДАН 20 АВГУСТГАЧА, ТАЛАБАЛИККА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ЭСА 22 АВГУСТГАЧА ЎТКАЗИЛАДИ.

СИРТҚИ ВА КЕЧКИ ҚУЛЛИЁТЛАРДА ҲУЖЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ 5 АВГУСТГАЧА, КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 6 АВГУСТДАН 26 АВГУСТГАЧА ЎТКАЗИЛАДИ.

Кундузги таълимга ҳужжатлар Тошкент шаҳар, Сапёрлар кўчаси, 11-уйда қабул қилинади.

Сиртқи ва кечки қуллиётларга ҳужжатлар эса Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 104-уйда қабул қилинади.

● Муҳарририятга Ҳабибахон Бобоева ва унинг неваралари тушган шикоятда Акмал Икромов районидаги Ғафуров кўчаси 148-уйда бўлаётган машмаша масаласида район ва шаҳар судларининг чиқарган адолатсиз қарорига норозилик билдирилган. Аслини сурасангиз Бобоева Рисолат ҳам, Бобоева Санобар ҳам ҳақиқат излаб юрганлардан. Икки ўртада эса Ҳабибахон буви билан икки невара сарсон.

• ШИКОЯТ ЙЎЛГА ЧОРЛАДИ

ҒИШТ ҚОЛИПИГА ТУШСИН

РИСОЛАТ Бобоеванинг олдига бордик. Кўзларида ёш. Ҳақиқат мен томонда, дейди. Санобар Бобоеванинг олдига бордик. Кўзларида ёш. Ҳақиқат мен томонда, дейди. Ҳабибахон бувининг олдига бордик. Неваралари қучоғида. Ўзимнинг фикрим бор, дейди.

— Ёшим 72 да. Жуда чарчадим, — дейди буви. — Қариганингда тинчингни ўйларкансан. Тинчлик, тотувликка етадигани йўқ экан, дунёда. Ҳозир икки неварам билан сарсонман. Ўлиб-нетиб қолсам гўримда тинч ётармиканман.

Ҳабибахон бувининг қунинганича бор. Нима-нима, қария онахонни район судию, шаҳар суди неваралари қаровидан айириб, ёлғиз қолдиряпти. Бу хонадонда Ҳабибахон бувининг Шерзоду Бекзодлардан бўлак ҳеч кими йўқ. Турмуш ўртоғи Ҳасан ака кўзлари очиқ вақтида уй-жойини хат-патлаб бермаган эканда, йўқса шунча кўнгилҳираликлар бўлармиди?! 1956 йилда Ҳасан аканинг хонадонига каринтошини йўқлаб келган Х. Бобоева тўшакка михланиб қолган аммаваччасининг юмушларини бажариб юрди. 1967 йили она юрти Бухорога қайтгач, изма-из борган Ҳасан аканинг илтимосини рад этмай, яна Тошкентга қайтди. Шу хонадоннинг меҳнатини қилди. Алишеру Рисолатларни ер ювиб, ер таради.

— Шунча сарсонгарчиликни бошлаган ўша қизим Рисолат бўлади, — дейди Ҳабибахон буви. — Шунча йил шу уйни ватан билганимда энди суднинг ҳукми билан бегонадек бўлиб қолдимми? Неваларим отасидан кейин ҳам шу уйда яшаб келишди. Суд эса уларни тамоман уйдан ҳайдаб чиқарди. Ахир, тушунинглар, мен фақат уларгагина суяниб қолганман. Қарилик қурсин, давлатнинг ҳанча-мунча қонун-қоидаларини билмайман. Лекин бир нарсани аниқ биламанки, марҳум эримнинг уй-жойидан мени маҳрум қиладиган қонун бўлмаса керак. Ёрдам беринглар...

Ҳабибахон буви тўлиб-тошиб кўзлари милтиллаб гапирар экан, кўз ўнгимизда Рисолат Бобоева намоён бўла бошлади. Уни излаб Привокзальная кўчасидаги уйига бордик.

— Ҳамма жанжал ер деб бўляпти, — сўз бошлади Р. Бобоева. — Аввалига ерни тинчликча бўлишишга рози бўлишмади. Сўнг Акмал Икромов район судига мурожаат қилдим. Йилда бир ўғил, бир қиз эдик. Холапошшам — яъни Ҳабибахон ая аҳён-аҳёнда бизникига келардилар. 1972 йилда дадамлар билан турмуш қурганлар. Унгача «Когон» пахтачилик давлат хўжалигида ишлаган. Судда 1956 йилдан бери бирга яшайман деган даъвони қиляптилар. Мана ишонмасангиз холапошшамнинг меҳнат дафтарчалари.

Рисолат Бобоева бизга кўрсатган меҳнат дафтарчасида ҳақиқатан Ҳабибахон буви 1972 йилгача юқорида номи айтилган давлат хўжалигида ишлаганлигини тасдиқловчи муҳр бор эди.

— Ҳабибахон Бобоеванинг меҳнат дафтарчаси сизда нима қилади?

— Мен холапошшамларга пенсия тўғрилаб бериш учун ўзларидан олганман. Мен яхшилик қилишни ўйласам, улар менга ёмонлик раво кўришяпти. Дадамдан қолган васиятномани сохтага чиқариб, судга шикоят қилишяпти.

— Отангиз сизга васиятнома бераётганларида гувоҳ сифатида кимлар қатнашган?

— Натариусдан вакил бор эди. Мана ўша васиятнома. Давлат натариуси вакили Ф. Н. Тоджиева қўл қўйган. Кейинчалик ҳар хил гап-сўзларга ўрин қолмасин деб васиятноманинг ҳақиқий эканлигини қайта тасдиқлатиб олдим ҳам. Мана тагига ёзилган: 28.07. 1990 й. (!) С. У. Утаджиев имзо қўйган. Менга бир нарса жуда алам қилади. Шунча йил дадам билан бирга яшаган холапошшам отамни — отагинамни жиннига чиқаряпти. Бунинг ортидан «васиятнома» сохта деган гап келяпти, биляпсизми? Мен бир неча марта жиннихонага ётқизган эмишман. Менинг отам ҳали жинни бўлдими? Келинойим Санобар Бобоевани айтмайсизми. 1978 йил январда акам билан ажрашди. Унгача бир неча марта уйга кетиб қоларди. Акам турмуши бузилиб кетганлигига чидай олмай икки ойдан кейин 1978 йил март ойида вафот этдилар. Шунча йил бир ёстиққа бош қўйган эрини Санобар судда руҳий касалликка чиқарди. Агар акам ҳақиқатда касал бўлган бўлса, нега аввал айтмаганди, нега ажралишаётганда айтмаганди. Мана шундай гаплар юрагимни ўртаб юборди.

Район суди мен ўйлагандан ҳам муваффақиятли ўтди. Ҳабибахон Бобоевага ернинг тўққиздан икки қисми тегишли экан. Қолгани менга берилди. Марҳум акамнинг икки ўғлини кўчириб юборилсин, деган қарор чиқарилди. Тошкент шаҳар суди ҳам район судининг қарори тўғри эканлигини тасдиқлади. Ижро этувчилар билан бирга қарорни амалга оширдик. Икки жияним уйдан чиқариб юборилди. Лекин ҳозир улар холапошшам билан бирга бир уйда туришибди: Умуман, чиқиб кетишлари тарафдориман. Қаерга боришса, боравершисин.

Санобар Бобоеванинг шахсига тегишли бўлган гап-сўзларни ойдинлаштириш мақсадида Собир Раҳимов районидаги 549-боғчага бордик. Методист бўлиб ишлайдиган С. Бобоева иш устида экан. Муҳарририятга ёзилган шикоят хатидан хабардорлигини айтди.

— Турмуш ўртоғингиз билан нега ажрашган эдингиз?

— Ҳаётим хавф остида қолганди.

— Алишер Бобоев касал бўлганлари ростми?

— ... Рост.

— Қандай?

— Сўраманг, айтолмайман.

— Ҳеч қачон айтмаган экансиз, лекин судда айтибсиз?

— Рисолат Бобоева мени эрига хиёнат қилганликда айблаганда чидай олмадим. Мен Алишер Бобоев билан ажрашганимдан сўнг отаонамникида, тор ҳовлида турдим. Қайнотамнинг болам қурган уйда болалари яшайди деган гаплари менга анча таскин берарди. Қайнотам, қайнонам неваларини — менинг болаларимни яхши кўришганлиги учун ҳам бир оёғим ўша ерда бўлди. 1981 йилда саккиз та стим қолган болага раҳмим келганидан уларга оналик қилайин деган ниятда иккинчи марта турмушга чиқдим. Мен Ғофуров кўчаси 148-уйда менинг ҳам ҳаққим бор демоқчи эмасман, болаларим ўша уйда яшаб келишди. Қайнонам фақат неваларига суяниб қолганлар. Уларни бирбировидан ажратишмасин. Ҳар ким ўз тегишини олсин дейман. Яна шу нарсани таъкидлайманки, район ва шаҳар судлари рус тилида олиб борилди. Бувимиз рус тилини умуман тушунмайдилар. Бунинг устига бизнинг фикр-далилларимизни мулоҳаза учун қабул қилишмади. Бафуржа текширишмади. Шаҳар суди бор йўғи 15 дақиқа давом этди. Суддан аввал ҳам, ундан кейин ҳам тақдим этилган ишлар билан танишиб чиқишга қаршилик қилишди. Шундай воқеаларни кўриб, дилимиз оғриди. Дили оғриган қарғамайди деб ўйлайсизми?!

Бир-бировига зид, бир-бировига қарама-қарши гап-сўзлар. Яна Ҳабибахон буви ҳузурига йўл оламиз.

— Давлатдан нафақа оласизми?

— Йўқ. Рисолат меҳнат дафтарчамни, паспортимни ўғирлаб кетган. Барака топгур маҳалла ойига 300 сўм бериб турибди.

— Бухорода — Когонда ишлаганмисиз?

— Бухорода туғилганман. Бунчалар чигал қилиб ташланган ипнинг учини топса бўлармиқан?! Ушбу масалани ҳуқуқий жиҳатдан асослаб беришни илтимос қилиб, Тошкент шаҳар А. Икромов район ҳуқуқий консультациясининг раҳбари М. Мирсоғатовга мурожаат қилдик.

— Судда қонун қўпол тарзда бузилган, — дейди М. Мирсоғатов. — Натижада адолатсиз қарор чиқарилган. Масалан, марҳум Ҳасан ака Бобоевнинг бевараси Ҳабибахон Бобоевага можарога сабаб бўлаётган уйнинг қурилишида (1973 — 1975 йиллар) тўлиқ қатнашганлиги учун, Х. Бобоевнинг қарамоғида бўлиб, меҳнатга лаёқатсиз бўлганлиги учун Ўзбекистон Республикаси «Никоҳ ва оила кодекси»нинг 25-моддасига биноан уйнинг тенг ярми берилиши керак. Суд эса асоссиз равишда умуман тўғри келмайдиган 27-моддани қўллаган. Набиралар Шерзод ва Бекзод Бобоевлар шу уйда чолу-кампир билан бирга яшаганликлари учун Ўзбекистон Республикаси «Турар-жой кодекси»нинг 68-моддасига биноан бу уйдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси ГПКнинг 579-, 586-моддаларига биноан уйнинг иккинчи ярмидан ҳам Ҳабибахон Бобоева ва набиралларнинг мажбурий ҳақлари борлиги қонуний кўрсатилган. Бу модда васиятнома кимда бўлишидан қатъий назар бажарилиши керак эди. Ўзбекистон Республикаси ГПКнинг 139-моддасига хилоф равишда суд Бобоева Рисолатдан Шерзод ва Бекзодларни уйдан чиқариб юбориш ҳақидаги даъвосини қабул қилган. Негаки, Р. Бобоева бундай ваколатга эга эмас.

Эртасига эрта тонгданоқ шаҳар касалхоналарини айланиб чиқишни режалаштирдик. Узоқ изланиш натижасида 1-руҳий касалликлар клиник касалхонасидан тушунтириш хатини олдик. Касалхона бош шифокори ўринбосари М. И. Газиеванинг имзоси қўйилган ушбу маълумотномада Бобоев Ҳасанжон ва Бобоев Алишерлар уларга даволаниш мақсадида мурожаат қилганлиги айтилади. Ҳ. Бобоев қизи Бобоева Рисолат томонидан ушбу касалхонага ётқизилганлиги ҳам аниқ бўлди.

Бу борада «Когон» пахтачилик давлат хўжалигидан ҳам хат олдик. Унда ёзилишича, «Бобоева — Икромова Ҳабибахон «Когон» пахтачилик давлат хўжалигида ишламаган ва хўжалик буйруғида йўқ.»

Чигал қилиб ташланган ипнинг бир учи топилди. Бобоева Ҳабибахон ҳеч қачон «Когон»да ишламаган. Хўш унда Бобоева Рисолатнинг қўлидаги Бобоева Ҳабибахон «ўғирлатган» меҳнат дафтарчасидаги ёзув ва муҳр қаердан пайдо бўлиб қолди? Ушбу ёзув ва муҳр қария онахонни ўз ҳаққидан маҳрум қилиш ниятида битилмаганмикан? Ипнинг иккинчи учини топиш Республика Прокуратурасининг ҳуқмига ҳавола. Лекин шу ўринда айтиб ўтишимиз керак бўлган гап шуки, район судию, шаҳар суди (раислари — Ҳ. ЎРУНОВ ва Л. ЗАВЯЛОВА) қўлларидаги мавжуд ишга совуққонлик билан муносабатда бўлмай, Бобоева Ҳабибахону, Бобоева Санобарларнинг сўзларига қулоқ солсалар, Бобоева Рисолатнинг қўлидаги ҳужжатларни бафуржа текширсалар иш бу даражада пасот олиб кетмасди. Энди бу пасотни даволаш Республика Олий Судининг зиммасидаги вазифа. Биз эса шу даражада машмашага айланиб кетган бу масаланинг одилона ҳал этилишини ўйлаб, ҳар қандай бекарвон юришлару, бенарвон уришларга чек қўйиш мақсадида ҳар бир ғиштнинг ўзининг қолипига тушгани маъқул деймиз. Маъқул деймизу, лекин маъқуллаган билан иш битиб қолмайди. Агар она билан бола, ота билан ўғил, ака билан ука бир-бировлари билан мол талашсалар, мулк талашсалар, бир-бировларнинг ризқларига олайсалар, насибаларига олайсалар, бу не кўргулик?! Қачондан бу бало ўзбекнинг қонига сингдийкин?! Ахир биз ўзбекмизку! Ўзбекман деб фахрланиш миллатчилик эмас экан. Энди биляпмиз. Ўзбекман дейиш, асл бўлиш ғурур эканлигини энди билмасак, унда на унисию, на буниси — аросатда қоламиз. Мустақил давлатимиз тинчлиги ҳар бир хонадоннинг тинчлигидан, обрўйи ҳар биримизнинг ғуруррлигимиздан бошланмайдими ахир! Ўтган ота-боболаримизнинг юрти — шу, уйи, жойи — шу. Уларга муносиб бўлайлик.

Тўлин ойли кечада мошинлар қатнови камайган катта кўчада шулар ҳақида ўйлаб кетар эканман, ичичимдан нимадир отилиб чиқа бошлади: Эй, одамлар! Бу дунё ўта сахийлик билан яралган. Кимга нима керак бўлса — бари бор. Сизга бойлик керакми — марҳамат, кўряпмиз, йўли кўп экан — тўплаб олинг, сизга мансаб керакми — марҳамат эгалланг, сизга уй, жой, сизга — машина! Яна нималар хоҳлайсиз? Аммо унутмайлик — эрта бир кун шу бойлик ҳам, шу мансабу шу уй-жой ҳам орқамизда қолади. Ҳаммаҳаммаси орқамизда қолади, лекин имонни ўзимиз билан олиб кетамиз. Инсофни ўзимиз билан олиб кетамиз, савобни ўзимиз билан олиб кетамиз. Шундай экан, оёғимиз ердан узилмай туриб, имондан кўп-кўп йиғиб олайлик, инсофдан кўп-кўп йиғиб олайлик, савобдан кўп кўп йиғиб олайлик.

Муроджон КОЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Абдулла БОБОХОНОВ



Бевақт ўлим ажойиб инсон, республикада танилган меъмор, талабаларнинг жонкуяр мураббийси, уруш ва меҳнат ветерани Абдулла БОБОХОНОВни орамиздан олиб кетди. Ўзбек замонавий меъморчилигининг шаклланиши Бобохонов ижодининг бошланиши билан чамбарчас боғлиқдир. Абдулла ака Тошкентдаги Ўрта Осиё политехника институтининг архитектура бўлимини 1933 йилда битирган биринчи ўзбек меъморидир. У Ўзбекистоннинг замонавий меъморчилиги ривожига катта ҳисса қўшган ва бу йўлда самарали меҳнат қилган инсон эди. У кишининг лойиҳалари асосида республикада ва ундан ташқарида бирқанча диққатга сазовор бинолар қурилган. Душанбе шаҳридаги «Опера ва балет» театри биноси, Янгийўл, Каттақўрғон ва Самарқанд шаҳарларидаги Маданият саройлари ҳамда сув хўжалиги иншоотлари шулар жумласидандир.

Абдулла ака фан соҳасида ҳам самарали меҳнат қилди. Меъморчилик соҳасида биринчи бўлиб фан номзоди даражасини қўлга киритди. 1966 йилда ташкил этилган Тошкент политехника институти қошидаги архитектура қуллиётининг биринчи декани ҳам Абдулла акадир. Шу даврдан бошлаб то умрининг охиригача Бобохонов ана шу қуллиётда бўлажак меъморларга мураббийлик қилди.

Абдулла ака бирқанча илмий мақолалар, ўқув-услубий қўлланмалар ва китоблар муаллифидир. Жумладан, унинг «Малоэтажное строительство в Узбекистане», «Архитектура гидротехнических сооружений» китоблари кўпчиликка маълум.

Халқлар дўстлиги, Меҳнат қизил байроқ орденлари ва медаллар билан тақдирланган. Абдулла ака биринчилар қаторида СССР халқ архитектори унвонига сазовор бўлган.

Унинг порлоқ хотираси дўстлари ҳамда ҳамкасблари ва шогирдлари қалбида узоқ сақланади.

ТОШКЕНТ МЕЪМОРЧИЛИК ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши мазкур Кенгаш Сиёсий қўмитаси аъзоси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши раиси Б. А. Алламуродовга онаси

Зайнаб ая ДАНАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси тармоқлараро ҳисоб-китоб иқтисодиёти ва бошқарув ходимлари ва мутахассислари малакасини ошириш илмгоҳи жамоаси «Менежмент ва ҳуқуқ» кафедраси мудираси доцент, иқтисод фанлари номзоди М. А. Султоновага отаси

Азизхон СУЛТОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтлар малакасини ошириш билим юрти директори Э. У. Умирзоқовга отаси

Умирзоқ БОЙСАРИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Газета таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ҲАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИҚМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 33-11-49, 32-54-06; ижтимоий адолат — 33-76-04, 32-53-15; партия турмуши, советлар ҳаёти ва маданият — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14; деҳқончилик-саноат — 33-12-16, 33-07-20, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-20-36, 32-54-35; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; ички ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24; 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-26-70, 32-54-27; безатиш — 32-57-22; ахборот-тижорат маркази — 32-53-20.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-21, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 4-88-25, Термизда — 2-23-01.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● Йилига 256 марта чиқади.

Навбатчи муҳаррир — Ю. Ҳ. Ҳ. № 138.

Газета офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 20.30. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни, 700000 Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.